

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

“МУҲАНДИСЛИК ТЕХНОЛОГИЯ” ФАКУЛТЕТИ

“БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ” КАФЕДРАСИ

Ҳимояга руҳсат этилди
факултет декани:

“ _____ ” _____ 2013 йил

“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” таълим йўналиши бўйича битирувчи

Юлдашев Музаффарнинг

**Тижорат банклари кредит портфелини бошқариш
самарадорлигини ошириш йўллари.**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илимий раҳбар: _____

Наманган 2013

Кириш

I. Боб. Тижорат банклари кредит портфелини бошқариш самарадорлигини ошириш йўллари ва назарий асослари.....

I-1. Тижорат банклари кредит портфелини бошқариш моҳияти, аҳамияти ва зарурлиги.....

I-2. Тижорат банклари кредит портфели шакллари ва уларга тавсиф.....

I-3. Кредит портфели сифатлигини таъминлаш йўналишлари.....

II. Боб. Тижорат банклари кредит портфелини бошқариш самарадорлигига таъсир этувчи омиллар ва уларнинг таҳлили.....

II-1. Тижорат банклари кредит портфелини бошқаришни ишлаб чиқиш ва юритиш тартиби.....

II-2. Тижорат банклари кредит портфелини банк фаолиятига тасирини таҳлили.....

II-3. Тижорат банклари кредит портфелини бошқаришда Марказий банкнинг ўрни.....

III. Боб. Тижорат банклари кредит портфелини бошқариш самарадорлиги олиб бориш ва уни такомиллаштириш.....

III-1. Тижорат банклари кредит портфелини бошқаришда юзага келадиган муаммолар ва уларни ечимлари.....

III-2. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида тижорат банклари кредит портфелини бошқариш самарадорлигининг ўрни ва роли.....

III-3. Тижорат банкларида актив ва пассив самарали бошқариш орқали кредит кредит портфели самарадорлигини таъминлаш.....

Хулоса ва таклифлар.....

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

Иловалар.....

Кириш.

Узбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг бозор муносабатларини босқичма босқич амалга ошириб бориши ўзининг ижобий бормоқда. Бу борада ҳуқуқий асослар яратилгани, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни натижасида ижобий таъсирлар кўрсатилмоқда. Кейинги йилларда ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши иқтисодиётимизнинг жаҳон иқтисодига интеграциялашувига ва барқарор суратлар билан ривожланишига кенг йўл очиб берди. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида хўжалик субъектларининг банклар фаолиятининг тижоратлашуви юзага келади. Охириги йилларда турли хил мулкчилик шаклида корхоналар ташкил топиб бормоқда. Бу корхоналар қайси мулкчилик шаклига асосланган бўлишига қарамадан иқтисодий жихатдан тўлиқ мустақил бўлиб ўз харажатларини ўзи қоплайдиган корхоналар ҳисобланади. Бозор шароитида иқтисодий жихатдан мустақил бўлган корхоналарда қўшимча пул маблағларига эҳтиёж сезилади ва бу эҳтиёж зарур бўлганида банк кредитлари ҳисобидан қопланаши мумкин. Шу сабли бозор шароитида кредит механизмининг ўрни ва роли муҳим аҳамият касб этади. Кредит механизмининг таркибий қисми бўлиб ўз ичига кредитлаш шартларини усуллар ва кредитлашни бошқариш, тамойилларини ўз ичига олади.

Жаҳон банк амалиёти шуни кўрсатадики 80-чи йилларда кўпгинахорижий банклар ўз кредитларининг асосий улушини нефть саноатини кредитлашга йўналтирилган. Шу йўлларда нефть баҳосини тушиб кетиши кўпгина нефть компаниялари ўз кредитларини тўлай олмаслиги банкларни банкротликка олиб келди. Кредит портфелини қилиб борган банклар нефтни кредитлаш бўйича кўрган зарарларини бошқа соҳадан олган фойдалари ҳисобидан қопланган. Банкларни кредит сиёсати ва кредит портфелини таҳлил қилишни асосий мақсади ссуда бўйича асосий қарз ва у бўйича фоизларни ўз вақтида эришишдан иборат.

Банк кредит сиёсати эҳтиётекорлик билан банк ресурларини оқилона жойлаштирилиши асосида юқори фойда олиш ўртасидаги балансни таъминлашга қартилган бўлиши керак. Кредит портфелини диверсификалаш қарзини тўламаслик рискни энг оддий ва афзал усул билан хэджирлашга ёрдам беради ва банкнинг ссуда ва депозитларининг мижозлар кўламига бўлиб чиқишини англатади. Қарз беришда диверсификациялаш банкнинг ссуда портфелида абсолют миқдор ёки ялпи тутган салмоғини тўғридан тўғри чеклашни англатади. Кредит портфелини диверсификация усулидан фойдаланишда банк кредитларини турли сохалрдаги компаниялардаги кичик миқдорда қиска муддатларга ва кўпроқ мижозларга беришни афзал кўриши лозим. Хукумат томонидан қарз қилинган қарорларига мувофиқ тижорат банкларининг тизилмаларининг қайта ташкил этилди.

Энг йирик банкларда инвестиция фаолиятини фаллаштириш ва мониторинг қилиш бўйича департаментлар тузилди. Ўзбекистон Республикаси президентининг 2008 йил 20 октябдаги Р-3075 сонли фармонида мувофиқ ўтказилган аттетация натижалари бўйича қонунчилик базасини чуқур биладиган, инвестиция лохйихаларини инвестициявий молиялаш танлаб олиш ва экспертиза қилиш сохасида зарур кўникмага эга бўлган рахбарлар тайинланди.

Банклар балансига қабул қилинган банкрот корхоналарга молиявий соғломлаштириш иқтисодий тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жихозларга йўналтирилган инвестиция лойихарини молиялаш бўйича тижорат банкларини фаолияти ривожланган. Банкнинг умумий кредит портфели бир йилдан кўпроқ муддатга берилган кредитлар хажми 70 %-дан ортиқроқни ташкил этмоқда. 2015 йил 1 январига тижорат банкларининг кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялаш улушига қараб табақалаштирилган ставкалар бўйича фойдалар салмоғи тўлайдилар.

Муаммонинг ўрганиш даражаси.

Хозирда республикамизнинг ташқи дунё бозорига кириб бориши натижасида мамлакат иқтисодий тармоқларига инвестициялар жалб қилиш омиллари ва манбааларига алоҳида эътибор қаратилган инвестиция фаолиятини кенгайтириш соҳасида тижорат банкларининг энг мухим вазифалари сифатида Президентимиз айтганларидек: “тижорат банкларини фаолиятини баҳолаш мезонларини ўзгартириш зарур. Бугунги кунда уларнинг ишининг узоқ муддатли кредит қўйилмаларининг улушини ўсиши ва унинг учун ички маблағларини жалб этиш нуқтаи назарида баҳолаш керак”¹

Банк томонидан реал секторларга йўналтирилган кредит қўйилмалари қолдиғи 2010 йил 1 январь ҳолатига 8 трлн 558 млрд сўм, 2011 йил 1 январь ҳолати кўра 11трлн 300 млн сўм га ошиб ўтган йил шу даврига нисбатан 34,8 фоизга ошди. 2010 йил 1 октябр ҳолатига кўра тижорат банкларининг узоқ муддатли кредит портфелидаги улуши 74 фоизни ташкил этди. 2010 йилнинг 9 ойи давомида корхоналар ва тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга қаратилган инвестиционал кредитлар миқдори 2 трлн 467 млрд сўмдан ортиқ бўлиб ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 1,5 баробар кўпдир.

Тижорат банкларининг узоқ муддали кредитлари улушининг ошиши бўйича қилинган чоралар туфайли 3 йилдан ортиқ бўлган муддатга берилган кредитларнинг миқдори кредит портфелидаги улуши ҳозирги пайтда 75 фоиздан ошди.

Ишнинг объекти бўлиб Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат тижорат Халқ банкининг маълумотлари ҳисобланади.

¹ И.А.Каримов “Асосий вазифаларимиз ватанимиз таррақиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш” номли маърузаси халқ сўзи газетаси 2010 йил 30 январь

Ишнинг предмети бўлиб тижорат банклари кредит портфели ва уни самарали бошқариш усуллари хисобланади. Янги ишлаб чиқаришнинг ташкил этиш, корхонанинг модернизация қилиш, тхник ва технологик қайта жихозлаш бўйича банкнинг кредит ва инвестиция сиёсати, инвестиция лойихаларини узоқ муддатга кредитлаш механизмларини янада такомиллаштириш, бунинг асосида банкнинг узоқ муддатли ресурс базасини мустахкамлаш, лойиха хужжатларини, унинг молиявий жихатдан узини қоплаши ва ретабелликни чуқур тахлил қилиш асосида инвестиция лойихаларини пухта танлаб олиш, комплекс бахолаш ҳамда сифатли экспертиза қилиш; инвестиция лойихаларини молиялашга ўз молия маблағларини сарфлаш йўлларида самарали фойдаланиш, берилган маблағларни ўз вақтида тўлиқ қайтаришни таъминлайдиган ишонли механизмлардан фойдаланилиши.

Ушбу масалани тўлиқроқ ёритиш ва ривожлантириш масалаларига мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов асарларида, Вазирлар маҳкамасининг йиғилишларида, Олий Мажлис ва Сенат сессияларида сўзлаган нутқлари диққатга сазовордир. Шунингдек кредит портфелини ташкил этиш ва молиялашга оид масала ҳамда изланишлар Ўзбекистонлик олимлар Ш.Д.Саидбоев, Н.Х.Хайдаров, Д.Ғозибеков асарларида ҳамда хорижий ва МДХ давлатлари олимлари ва тадқиқотчиларининг асарларида ўз аксини топган.

Битирув малакавий ишнинг мақсад ва вазифалари.

Ушбу битирув малакавий ишнинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикасидаги тижорат банклари республикамиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларига киритилаётган инвестициялар, ажратилаётган узоқ муддали кредитларни ўрни ва ахамияти, маблағлар ва уларнинг манбалари йирик корхоналарнинг кредитлашда кредит портфелидан самарали фойдаланиш, узоқ муддатли кредитлаш механизмини янада такомиллаштириш, бунинг

алохида банкнинг узок муддатли ресурс базасини мустахкамлашга каратиш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарор ва қонунлари, Марказий банк йўриқномалари шунингдек ўзбек ва хорижий иқтисодчи олимларнинг мавзуга оид илмий ишлари ташкил этади.

Битирув малакавий ишининг объекти ва предмети.

Битирув малакавий ишининг предмети бўлиб тижорат банкларини кредит портфели, жумладан Давлат-Тижорат Халк банки Наманган шаҳар амалиёт бўлими кредит портфели шаклланиш муносабатлари ётади. Унинг объекти эса, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва ДТ Халк банки маълумотлари ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти.

Ушбу битирув малакавий ишининг аҳамияти сифатида тижорат банклари учун қулай бўлган кредит портфелидан самарали фойдаланиш бўйича амалий таклиф кўрилди.

Битирув малакавий ишининг таркиби.

Ушбу битирув малакавий иши кириш, асосий қисм, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарлиги, муаммонинг ўрганиш даражаси, ишнинг услубий ва назарий асослари ёритилган. Ишнинг иккинчи бобида банк томонидан иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларига ажратилган кредитлар ва уларни таркиби атрафлича таҳлил қилинган. Ишнинг учинчи бобида эса тижорат банклари томонидан кредит портфелини шакллантириш муаммолари ва унинг ечимлари кўрсатиб ўтилган. Ишнинг хулоса қимида эса асосий тавсия ва таклифлар киритилган.

I-Боб. Тижорат банклари кредит портфелини бошқариш самарадорлигини ошириш йўллари ва назарий асослари.

I.1.Тижорат банклари кредит портфелини бошқариш моҳияти, аҳамияти ва зарурлиги.

Тижорат банкларини фаолияти барқарорлиги ва рақобатдошлиги уларнинг ресурсларининг тўғри ташкил қилиш ва улардан оқилона фойдаланишга боғлиқ. Шунини таъкидлаш лозимки, тижорат банкларининг депозит ва кредит портфелини ташкил қилиш, бошқариш, уни диверсификация қилиш соҳасида қатор ечилмаган муаммолар мавжуд. Маълумки, бозор иқтисоди кенг ривожланган мамлакатларда тижорат банкларнинг кредит сиёсати, уларни кредит портфели ва унинг сифати, ундан фойдаланиш даражасига катта эътибор берилади, чунки кредит портфелини тўғри тўхри ташкил қилиниши уларнинг самарадорли фаолият кўрсатаётганидан далолат беради. Банклар фаолиятида кредит портфелини тўхри ташкил қилиш банкларнинг самарали ва барқарор фаолият кўрсатиши учун имконият яратиб берувчи асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Банкларни кредит портфели, унинг ҳолати тўғрисида бирон фикр билдиришдан олдин, дастлаб кредит портфелининг иқтисодий моҳиятини тушуниб оламиз. Берилган кредитларнинг ўз вақтида банкларга қайтарилиши кредитлаш жараёнининг қай даражада ташкил қилинишига, кредит бериш ва қайтарилишини муддаларга риоя қилинишига, ссудалар, айниқса муддати ўтган ёки узайтирилган кредитлар бўйича зарарларни қоплаш резерви миқдорига, банклараро кредит ва марказлаштирилган кредитлар бўйича жараёнларнинг қонунийлигига ва кредитларни тўғри туркумлаш бўйича банкларда ўтказилган аналитик жараёнларни сифатлилиги ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади.

Банк томонидан бажариладиган барча кредит жараёнлар уларнинг кредит портфелида ўз ифодасини топиши, ҳар бир банк кредит портфелининг

сифатили бўлишига эришиши зарур. Бу эса кредитларнинг ўз вақтида қайтиб келишига асос бўлиши мумкун.

Кредит портфелини сифат бўйича тавсифи кредитларнинг қайтарилиши ва кредит рискининг қисқартирилишини банк томонидан таъминланишини баҳолашда қулланилади.

Кредитларни белгиланган вақтда қайтарилиши қуйдаги қатор сабабларга боғлиқ:

- алохида олинган банкларда кредит бориш жараёнининг ташкил қилиниши даражаси;
- ссудалар берилиши ва қайтарилиши тартибига амал қилиш даражаси;
- ссудалар ва айниқса, муддати узайтирилган ва муддати ўтган ; ссудаларни хисобга олиш жараёнининг тўғри акс эттириш ;
- ссудаларни тўғри таснифланиши;
- ссудалар бўйича эҳтимолий йўқотишларга ажратилган захиралар миқдори ва бошқалар;

Кредит портфелини мохиятини очиб боришда қуйдаги омилларни инобатга олиш зарур. Булар:

- кредитлар бўйича риск даражаси;
- кредит бериш объектлари;
- кредитни фойдаланиш муддатлари;
- кредитни хажми ва таъминлангинлиги;
- миқдори молиявий ҳолати, мулк шакли ва бошқалар.

Кредит портфели фақат нормал кредитларни эмас, балки муддати ўтган кредитларни ҳам ўз ичига олади. Бу омилларни эътиборга олиш тижорат банкларининг кредит портфелини шакллаништиришда , уларнинг фаолиятини тўғри ташкил қилишда катта аҳамиятга эга. Кредит

рискларининг даражаси хорижий банклар ва бизнинг банкларимиздаги амалиётида ҳам банкларни кредит портфелини ифодаловчи мезонлардан асосийси хисобланади. Айнан шу крсаткичнинг даражасига қараб, кредит портфелини сифати аниқланади. Банкларнинг кредит портфелини баҳолаш ва таҳлил қилиш банк менежерларига ссуда операцияларини самарали бошқаришга имкон беради.

Банкнинг кредит портфелини ташкил қилишнингасосий мақсади банкнинг кредит сиёсати соҳасидаги стратегиясининг ишлаб чиқиш, кредитларнинг сифатини таҳлил қилиш ва уни яхшилаш соҳасида чоралар ишлаб чиқишдан иборат . Бунинг учун банк берилган лимитларга мос келиши, кредит ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги, кредит рикларини камайтириш ва кредитларнинг сифатини яхшилаш каби курсаткичларнинг ҳақиқий ҳолатини текшириб бориши зарур.

Тижорат банкларнинг кредит портфелининг ташкил қилиш кредитлашни ташкил қилиш тамойилларига асосланган бўлмоғи лозии. Кредитни муддатлилиги, унинг ўз вақтида қайтарилиши ва тўловлилиги кредит портфелининг барқаролигини ва сифатлилигини таъминлашга асос бўлиши мумкин.

Кредит портфелининг сифатини доимий равишда назорат қилиш тижорат банклари фаолиятининг самарадорлигини ошириш гаровилар. Уларнинг кредит портфелини оқилона бошқариш эса кредит хатарларини камайтиришнинг асосий омилларидан хисобланади. Шунинг қайд қилиш лозимки , банкларнинг молиявий хисоботлари ва бошқа қўшимча маълумотларни улардаги активлар сифатининг реал ҳолатини, шунингдек кредит портфели бўйича мавжуд муаммоларнинг банк даромадига таъсирини ақс эттириши лозим.

Бундай маълумотларни йўқлигига нафақат банк акциядорлари ёки Марказий банк ва бошқа манфаатдор томонларни чалғитиб қўймасдан

балки, банкнинг ўзига ҳам хатарларни бошқариш жараёнида зарар етказиши мумкин. Банкнинг кредит портфели ва унинг сифати тўғридаги аниқ маълумотга эга бўлмаслик, зарур ҳолларда олишдан чора қўрилмаслик натижасида муаммоли кредитлар юзага келиши мумкин. Муаммоли кредитлар банкдаги хатарларни минимал даражасига етказишга тўсиқ бўлиб туради. Кредит портфели сифати ҳақида объектив маълумотларни йўқлиги банк раҳбарияти томонидан банкнинг кредит сиёсатига зарур ўзгартиришлар киритилишига ҳам халақит беради.

Банк кредит портфелини ташкил қилишда:

- кредит хатарларини даражасини инобатга олган ҳолда кредитларнинг сифатини баҳолаш меъзонларини танлаш ва уларни асосида кредитнинг сифатини баҳолаш усулларини ишлаб чиқиш, ссудаларнинг асосий гуруҳларини, уларнинг фоиз ставкалар асосида аниқлаш;
- кредитни тавсифлаш(туркумлаш);
- ҳар бир кредит гурҳи бўйича хатар фоизи даражасини аниқлаш;
- ҳар бир кредит ва банк бўйича кредит хатарларини абсолют суммасини аниқлаш;
- тегишли маълумотлар асосида кредитлар бўйича зарарларни қоплаш учун етарли резерв суммасини аниқлаш;
- коэффицентлар бўйича кредит портфелини яхшилаш бўйича чорагадбирлар ишлаб чиқиш зарур.

Шундай қилиб, тижорат банкларининг кредит портфели турли хил кредит хатарлага асосланган, муайян мезонларга қараб туркумланган кредитлар миқёсидаги банк талабларининг йиғиндиси бўлиб, уни самарали бошқариш кредит рискларини ва умуман олганда банк хатарларини камайтиришнинг муҳим омили ҳисобланади.

Банкларнинг кредит портфелини самарали ташкил қилиш ва унинг сифатини таҳлил қилиш банклар фаолиятини олиб боришда муҳим урин эгаллайди.

I.2.Тижорат банклари кредит портфели шакллари ва уларга тавсиф.

Хар қандай тижорат банк фаолиятида кредит портфели шакллантириш, кредит хатарларини минимумга келтириш асосини банк кредит сиёсатига боғлиқ бўлади.

Тижорат банки кредит сиёсатининг мақсади одатда қўйдагилардан иборат бўлади:

Кредит қўйилмалари хажмининг ўсишини, хатар юқори бўлган операцияларни оқилона диверсификациясини , ўрта ва узок муддатли кредит қўйилмалари хажмини кескин кўпайтириш ва уларнинг самарадорлигини таъминлашга йўналтирилган бўлади. Шунингдек, кредит сиёсат инвестицион кредитларсалмоғини ошириш, устун даражада иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш, ишлаб чиқариш корхоналарини молиявий қўллаб қуватлаш каби асосий йўналишларни ҳам ўз ичига қамраб олган бўлиши лозим.

Кредит сиёсати банкнинг ўзига хос “кредит тили ” ни яратади ва у банк фаолияти ёмонлашганда ҳамда кредит ваколатлари ва мажбуриятлари ўзгарганда ҳуқуқни сақлаб қолиш учун катта аҳамият касб этади. Қатъий сиёсат асосида берилган банк умумий кредитлаш сиёсатининг ва фаолиятининг ривожланиши ва кредитларни самарали ишлатилиши учун замин яратади. Кредит сиёсати қоидаларига риоя этиш банкнинг асосий мақсадлари : фойда олишни таъминлаш, рискларни бошқариш, банк фаолияти меёрларига риоя этишга эришиш имконини беради.

Кредит сиёсатини мавжудлиги , энг муҳими барча даражаларда ишлаб чиқарган сиёсатга риоя этиш банк ссуда портфелини сифатини

бошқариши учун асос бўлади. Бу эса ўз навбатида , унинг қарзлари ва ққциялари фойдасини кўпайтиради ва фавонлигини оширади.

Масалан, аниқ бир тижорат банкнинг кредит сиёсатида кредит портфелини бошқаришнинг асосий йўналишлари қилиб қўйдагиларни белгилаб олинганлигини кўришимиз мумкин:

Булар:

- Кредит рискларини даражасига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш, уларни баҳолаш ва бартараф этиш;
- Банк олувчининг кредитига лаёқатлиги даражасини ва унинг молиявий ахволини аниқлаш кредит рисклари башорат қилиш;
- Муаммоли ссудаларни олдиндан аниқлаш ва уларни сўндириш чораларини ишлаб чиқиш;
- Кредит қўйилмаларни диверсификация қилишни, уларни ликвидлигини ва даромадлилигини таъминлаш;
- Кредит олган мижоз билан доимий алоқада бўлилиб туриш;
- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни , деҳқон ва фермер хўжаликларни молиявий қўллаб қувватлашдан иборат.
- Банк томонидан , хўжалик субъектларнинг айланма маблағлари етишмаслиги, мавжуд маблағларнинг меёридан ортиқча тайёр маҳсулот қолдиқларига жалб қилишни сабабларини ўрганиб бориш, зарарга ишлаётган ва банкротлик аломатлари кўзга ташланаётган хўжалик субъектларнинг молиявий ахволини доимий мониторингини ташкил қилиш банк кредит сиёсатининг устивор йўналишларидан биридир.

Кредит сиёсати банк томонидан бериладиган кредитлар тоифаси ва турларини аниқлаши ва белгилаши лозим. Масалан, кредитлаш соҳаси бўйича : тижорат фаолияти , саноат , кишлоқ хўжалиги , капитал қўйилмаларининг молиялаш ва бошқа тармоқларга кредит бериш, кредит

турлари бўйича: кредит линияларини очиб ва очмай кредитлаш ва кредитлашни белгилаб бериши мумкин.

Кредит сиёсатида кредитларни таснифлаш тизими аниқ ифодаланиш лозим, кредит ходимлари кредит портфелидаги барча маълум бўлган салбий ўзгаришлар тўғрисида рахбариятга хабар беришлари лозим. Қарздор ёки гаров ахволи ёмонлашишини олдиндан аниқлаш эхтимолий йўқотишларни камайтириш учун жуда мухимдир.

Кредит сиёсати кредитларнинг барча тоифалари бўйича “тўловсизлик” тушунчасининг аниқ ифодаланиши, фоизларни ўстирмаслик меъзонлари; шунингдек , банк Бошқарувчи ва Кенгашининг тегишли ҳисоботларига нисбатан талабларни ўз ичига олиши лозим. Кредит сиёсатида қарзларни камайтиришга доир изчил , босқичма-босқич тадбирларни қурулишини талаб қилиниши керак. Рахбарият Марказий банк томонидан белгиланган талабларга мувофиқ кредитларни ҳисобдан чиқариш тадбирларини ишлаб чиқиши лозим.

Кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва ижро этиш юзасидан жавобгарлик банк Кенгаши ва Бошқарув аъзоларига юклатилган. Одатда тижорат банкнинг кредит сиёсати йўналишлари қуйдагилардан ташкил топиши мумкин:

- Банк ўрни ва обрўсини молиявий барқарор банклар сингари яхшилаш;
- Ўзбекистон республикаси Марказий банки нормативларига мувофиқ даражада ўз капиталининг етарлигини таъминлаш;
- Банкнинг самарадорлиги ва барқарорлигини қуллаб-қуватлаган ҳолда унинг даромадларининг максималлашувини таъминловчи аниқ кредит ва инвестиция сиёсатини ўтказиши;

- Стратегия жихатдан муҳим бўлган шаҳар туманларда янги омонат кассаларини очиш билан боғлиқ бўлган банк тармоғини кенгайтириш.

Кредитлаш жараёнида банк сиёсати банк олдида мажбуриятларни бажара оладиган мавжуд ва янги миждозларни кредит ресурслари билан таъминлаш, синф даражасидаги кредитларни тақдим этишни кенгайтириш ҳисобланади. Тижорат банки фатталиги хисобга олган ҳолда халқаро стандартлар миқёсида миждозларга сифатли кредит хизматини тақдим этишга интилади. Шунинг учун банк кредит сиёсатининг асосий тамойилларига қуйдагилар киритилган:

- Кредитлаш тўғрисидаги қарорлар қабул қилишнинг барча даражалар бўйича жавобгарликни мавжудлиги ва тақсимлаш;
- Банк томонидан амалга ошириладиган кредит операциялари учун аниқ белгиланган шартларни мавжудлиги;
- Махсус кредитлаш тамойиллари, муддатлик, тўловлик, қайтариб беришлилик, таъминланганлик ва рентабеллик асосида бериладиган кредитларни мажбурий назорат қилиш;
- Банк бошқарувининг умумий сиёсати билан махсус фаолият йўналишлари сиёсати (яъни депозитлар бўйича, инвестиция бўйича, активлар ва пасивларни бошқариш бўйича ва хоказо) нинг узвий боғликлигидир.

Ҳозирги кунда кредит сиёсатини тузишда ҳар бир тижорат банки мустақил бўлиб, улар кредит сиёсатини мохияти, мақсади ва таркибини такомиллаштириб бормоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида банкларнинг фаолиятида хўжалик субъектларни кредитлаш функцияси биринчи даражали аҳамиятга эга бўлганлиги учун банклар фаолиятининг самарадорлиги ва ликвидлигини таъминлаш учун аввалам бор банкларнинг кредит сиёсатини тўғри ишлаб

чиқишга эътибор бериши зарур. Банклар оладиган даромадлар унинг актив операциялари натижасида, асосан кредит операциялари туфайли вужудга келиши банклар томонидан кредит сиёсатини оқилона танлаш ва ўтказишни тақозо қилади.

Кредит сиёсати банк стратегиясининг бир бўлаги сифатида кредит бозорида банкнинг харкат қилишидан кўзлаган мақсадини , тамойилларини ва йўналишларини , кредит битимларини амалга оширишдан банкнинг мақсадларига эришиш йўналишларини ва қоидаларини , ҳамда кредит жараёнини ташкил этиш тартибларини ишлаб чиқишни ўз ичига олади.

Юқорида келтирилган фикрлар асосида хулоса қилиб айтганда , кредит сиёсати кредит рискларини камайтириш орқали банкнинг хавсизлиги , ликвидлиги ва рентабеллигини таъминлаш мақсадида кредитлаш бўйича олдиндан белгиланган қоида ва ечимлар мажмуаси асосида ташкил қилинган кредит портфелини бошқариш соҳасидаги банкнинг стратегия ва тактикасидир. Хар бир банк сиёсий , иқтисодий, ташкилий ва бошқа омилларни инобатга олган ҳолда мустақил ўзининг кредит сиёсатини ишлаб чиқиши лозим ва олиб бориши мумкин.

Кредит портфелини шакллантириш андозалари кредит портфелини бошқаришда мақсадга мувофиқ ёндошишининг муҳим воситаси бўлиб , хизмат қилади. Бундай аъзоларнинг асосий таркибий қисми қуйдагилардир:

1. Хатарларни қабул қилиш қоидалари;
2. Кредитлаш лимитлари;
3. Портфелларни шакллантириш учун устун томонлар.

Кредит лимитларини белгилаш кредит портфелини шакллантиришда, хатарни камайтириш учун ишлатиладиган ва узоқ муддатли хаётийлигини сақлаб қолиши учун назорат қилишнинг асосий услубидир.

Бу банкларга куйдаги имкониятларни беради:

1. Тўлов қобилиятини сақлаш учун хавфли ҳар қандай тур хатарлар таъсирида йўқотишлардан кўриш имкониятини;
2. Барқарор фойдани таъминлаш мақсадида кредит портфелини (диверсификациялаш) таснифлашни;

Одатда лимитлар тармоқ мамлакатлар, қарз олувчилар, валюта турлари бўйича, ундириш муддати ҳамда таъминлаш турлари бўйича лимитларга бўлинади. Лимитлар меъёрлар ўақлида ёки абсолют чегараланган кўрсаткичлар тарзида ўрнатилиши мумкин.

Кредит лимитини белгилашдан олдин, хатарни асосий чегараси бўйича гурухлаш керак ҳар хил банклар ва айрим мамлакат ҳамда ҳудудлар учун хатар чегараси ҳар хил бўлади.

Кредит лимитини аниқлашдан олдин, хатарнинг асосий омилларини аниқлаб олши керак.

Ҳар хил банклар ва ҳар хил мамлакатлар учун хатар доиралари бир биридан фарқ қилади қачонки хатарни асосий омиллари гурухлаштирилса, банк бошқаруви муҳим бозор омиллари ва аниқланган хатар доиралари асосида кредит портфели лимитини ўрнатиш мумкин.

Портфелни бошқариш муҳимлиги ва хатарларни қабул қилиш қоидалари ғ бу биринчи гурух андозалар портфел ҳолатини “Хатар-даромадни”ни мақсадга мувофиқ ҳал қилиш учун шакллантириш қоидаларини аниқлайди. Чегаралаш доирасида хатарни минималлаштиради ва имконият даражасида даромадни максималлаштиради.

Портфелни шакллантириш афзалиги шундан иборатки , қрча нисбатан хатар анча камроқ тармоқларни ажратиб кўрсатиш, махсус молиялаш ва кредитлаш бўйича банк нисбатан юқори даромад оладиган тармоқларни аниқлашдир. Бундай тармоқларин аниқлаш жараёни шунингдек банкга кредитлаш хажмини чегаралашга йўл қўйиб бўлмайдиган тармоқларни аниқлаш имкониятини беради.

Хатарларни қабул қилиш қоидалари “Хатар-даромадни” хал қилиш жараёнини ва аниқ хатар доирасига тегишли кредит тизимини талабларини ўзид акс эттиради. Одатда банклар талаб қилади ишлаб чиқариш тармоғи компаниялари бошқа тармоқларга нисбатан жалб қилинган маблағларни ўз маблағларига нисбатан анча паст бўлиши, чунки бу анча ликвидли асосий фондларнинг катта қисми ишлаб чиқариш жараёни учун зарурлиги у билан боғлиқдир.

Кредит мониторинги жараёни олдинги кредит тахлили асосида бўлиши керак ва унинг мақсади қарз олувчи тўлов қобилияти ўзгаришини кузатиш ва муаммо пайдо бўлга тақдирда қандай чора тадбирлар қўллашни аниқлашдир.

Кредит берилгандан кейин банк унинг сифатига шу онг хосил қилиш ва унда ёмон томонга ўзгариш бўлмаяптими деан мақсадда кузатув олиб бориш керак. Бу жараённи мухим томони тезкор маълумотлар олиш ва уни ўз вақтида тахлил қилиш ва уни мижозлар билан яқин алоқада бўлиш хисобланади. Кредит мониторингда ликвидлик, молиявий структура ва рентабеллик доимий тахлил предметлари бўлиши керак. Кредит структураси кредит шартномаси билан муносиб бўлиш керакки, муаммо пайдо бўлган холларда , банк учун унинг салбий оқибатларининг олдини олишнинг имкони мавжуд бўлсин. Кредит шартномаси мониторингда ишлатиладиган мухим воситалардан биридир.

Мониторинг жараёнини боўқариш учун камидахар чоракда бир марта кредитлар сифатини текшириш учун хатарлар классификациясини ишлаб

чиқиш ва қуллаш керак. Бундай қайта тахлилий текшириш системаси муаммоли жойларни аниқла имкониятини беради, шунингдек, қарз олувчининг кредит тўлов қобилияти ёмонлашган ҳолларда банк манфаатларини химоя қилишга йўналтирилган муолажаларни режалаштириш, келишиш ва амалга ошириш имкониятини беради.

Кредитларни қайта тахлилий текшириши деганда суда портфелини сифат ва хатар характерларига мос равишда системалаштириш услубий ва алоҳида туркумлашдир.

Кредитларни тахлилий текширишнинг асосий мақсади портфел сифатини қуйдагилар ҳисобига яхшилашдан иборатдир:

- Қарз олувчининг тўловга қобилиятсизлиги хавфи тўғрисидаги олдидан огохлантирувчи сигналлардан фойдаланиш;
- Тезкор бошқарув ахборотларни структуралаштиришдан;
- Жавобгарлик чегараси ўрнатиш учун меъёр (андозаларни)ларни аниқлашдан иборат.

Кредитларни тахлилий текшириши муҳим омиллари бўлган ҳисобаотлар ишнинг ҳолати ҳамда миждозларнинг ҳисоб варағи , миждозлар билан муносабатлар, кредит таъминлашниши мавжудлиги асосида амалга оширилади.

Мониторинг жараёнида аниқланган кичкина муаммо, қарз олувчи корхона бошқаруви билан қўшимча битим предмети бўлиши мумкин, шунингдек, аниқланган жиддий муаммо кредитни махсус муаммоли кредитларни ундириш бўлимига шуғулланиш учун топширишга сабаб бўлади. Кредит мониторингини муҳим элементи ишончли маълумотларни йиғиш ва уни доимий тахлил этиб боришдан иборат.

Банк юқори бошқарув звеноларидан бирига кредит мониторинги учун жавобгарлик бириктириб қўйилағни маъқул. Бу функция кичик банкларда

банк фаолияти боўқа функциялаи билан(ўхшаш) кўшиб олиб бориши мумкин. Бу шахсга тақдим қилинаётган маълумотларга қуйдагилар киритилиши керак:

- Кредит хатари абсолют кўрсаткичи;
- Таъминотларни ҳисобга олгандаги кредит хатари кўрсаткичи;
- Дастлабги кредит рейтинги;
- Қайта кўриб чиқилган кредит рейтинглари;
- Йирик қарз олувчиларнинг жорий молиявий фаолияти бўйича қўшимча тахлили;
- Кредитларни йўқотиш ҳолатларига жамғармалар тўғрисидаги ҳисоботлар.

Кредит портфелини самарали шакллантиришнинг барча тахминлари йилда бирғикки марта доимий қайта қириб тушириши керак. Бу кредит портфели лимитини бозор ўзгариши ҳолатларига мувофиқлаштириш мақсадида керак. Шунингдек доимий лимитларни фойта кўриб чиқиш жуда муҳим, айниқса қачонки доимий ўзгаришлар, иқтисодиётда ва молиявий бозорда ўзгаришлар бўлибтурганда кредит портфелини бошқаришда устун йўналиш кредит портфели қўйилмаларини кредит бозорининг даромадли сегментларига йўналтириш ва даромади кам йўналишлардан қўйилмалар миқдорини камайтириш ҳисобига (мисол сифатида айрим йўналишларни кўрсатиш мумкин: лойихавий молиялаштириш; кредит карточкалари чиқариш ; ипотека кредитлари).

Кредитларни сифати бўйича тахлил қилиш ва гурухлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Кредит сифати турлари бўйича билиш ва статистик йўл билан муаммоли , муддати ўтган, чорасиз ссудалар ҳар бир категорияси бўйича йўқотишларни камайтиришга қаратилган бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш имкониятига эга бўлади.

I.3. Кредит портфелини сифатини таъминлаш йўналишлари.

Тижорат банки кредит портфелини бошқариш жуда муҳим ва қийин жараён дир. Банк томонидан берилаган кредитларнинг ўз муддатларида қайтиши берилган кредитлардан зарар кўрмаслик учун банк томонидан кредит портфелини қай даражада бошқариш усулларига боғлиқ дир.

Кредит портфелини бошқаришда кредитларни турли тармоқларга бериши яъни кредит портфелини диверсификация қилиши жуда муҳим дир.

Кредит портфелини бошқаришда кредит портфелини диверсификация қилиш жуда муҳим аҳамиятга эга дир. Чунки кредит портфелида мавжуд кредит хатарларини камайтириш имкониятини беради. Банк фаолиятида диверсификация ўтказиш фақат банк активларини жойлаштиришни ўз ичига олмай, балки банкнинг барча фаолияти билан боғлиқ жараёнлардаги хатарларни камайтириш соҳасида қулланиладиган усул бўлиб, уни банкнинг турли хил соҳаларида қуллаш мумкин. Банкнинг кредит портфели бўйича диверсификация ўтказилади. Кредит ресурсларининг кам миқдорда кўп сонли, турли тармоқларга таълуқли бўлган , бир-бири билан алоқадор бўлмаган соҳаларга тақсимланиши банкнинг ҳар хил хатарларидан, зарар кўришидан сақлайди.

Тижорат банкнинг сезиларли миқдордаги ресурсларнинг бир ёки бир нча мижозлар фаолияти учун йўналтириш банк учун жуда катта хатрни юзага келишига олиб келади. Чунки кўп миқдорда банк ресурсини олган хўжалик юритувчи субъектининг молиявий ахволининг ёмонлашуви, унинг тўловга лаёқатлиги ва ликвидлилигининг тушиб кетишига , олинган кредитлар ва улар бўйича фоиз ставкаларининг банкга қайтиб тўланишига катта муаммолар тўдириши мумкин. Бу ўз навбатида банкнинг ликвидлигига, режалаштиралаётган фаолиятини олиб боришга катта таъсир кўрсатиши ва бошққа салбий ҳолатларга олиб келиши мумкин.

Кредит хатарини камайтиришнинг энг самарали йўлларида бири банк кредит ресурсларини йиғиш ва улардан фойдаланиш бўйича диверсификация ўтказишдир.

Кредит портфелини ва ундаги мавжуд хатарларни камайтиришнинг асосий йўлларида бири диверсификация қилишдир. Шундан келиб чиққан ҳолда банкнинг кредит портфелининг диверсификацияси - бу банкнинг баъзи мижозларидан кўрган зарарларини бошқа мижозларда кўрган даромади ҳисобидан қоплаш мақсадида банкнинг кредит ресурсларини кам миқдорда кўп сонли мижозлар ўртасида тақсимланишни тушунамиз.

Диверсификацияланишни уч хил йўналиши бўйича олиб бориш мумкин. Булар портфел, географик ва кредитларни тўплаш муддатига қараб ўтказиладиган диверсификация турларидир.

Банкнинг кредит портфелини диверсификация қилиш банкнинг кредитларини ҳар хил соҳадаги бир неча мижозлар ўртасида тақсимланишни ўз ичига олади. Диверсификация қилинган кредит портфелида хатар даражаси доимо минимал даражада бўлади, диверсификация қилинмаган кредит портфелида эса доимо юқори хатар била боғлиқ бўлади.

Умама олиб кўргада тижорат банкларининг умумий даромадларин ликвидлилигини оширишда муҳим омил бўлади.

Кўплаб банклар кредит портфелида кредитларни фақат бир тармоқга эмас, балки турли тармоқларга қўйишни ўзига тамойил қилиб олишлари зарур. Агар бир тармоқдаги кредитлардан йўқотишлар бўлса, банк унчалик катта талофат кўрмайди, аксинча банк бир соҳага қўйилган бир неча активи бўйича муаммога учраса, унинг ахволи анча ёмонлашади. Бундай ҳолларда кредит портфелини диверсификация қилиш тамойили қўлланиши лозим, чунки профессионал бўлган, бир кредитдан ортиқ бўлган кредитларни

молиялаштириш бирор кредитга берилган маблағдан келган зарарларни бошқаларнинг ижобий натижасидан қоплаш имкониятини беради.

Бозор иқтисодийти шароитида банкларни универсаллаштириш, яъни уларнинг турли тармоқларга хизмат қилиши, кедитлар беришни уларнинг даромадини ошишига ва банк капиталининг купаёишига хизмат қилади. Тижорат банкларини турли тармоқларга хизмат қилиши банклар ўртасида рақобат мухитини максималлаштиришга ва кредит портфелини бошқаришга такомиллаштиришга олиб келади. Юқоридаги фикрларнинг барчаси кредит портфелини бошқариш усулларини қуллаш ва уни такомиллаштириш зарурлигини ифодалайди.²

Банкнинг кредит портфелини диверсификация қилиш йўли билан кредит портфелини бошқариш банкнинг стратегик режалаштириш жараёнини узлуксиз боғлаб туради.

Диверсификациянинг мухим хусусиятлари шундаки:

- Биринчидан, диверсификация хамма вақт хатарни ёқтирмайдиган банклар учун қулай келади, чунки у рискни камайтиради;
- Иккинчидан бир хил кредит бўйича фойда харакати қанча кам бўлса, яъни қанча кам мос келса, хатарни камайтириш хисобига диверсификацидан шунча кун наф кўриш мумкин.
- Тижорат банкнинг кредит портфели диверсификацияси талаб даражасида бўлиши учун қўйидаги шартлар бажарилиши лозим:
 - Кредит портфели кўп сонли нисбатан майда кредитлардан ташкил топиши;

² Пул кредит соҳасидаги мавжуд вазият ва монетар сиёсатининг 2011 йилга мўлжалланилган асосий йўналишлари. Бозор, пул, кредит журнал 2001 йил №1.

- Кредитлар хатар жихатидан бир-бирига боғлиқ эмас, яъний бирон-бир кредит бўйича тўлай олмаслик эхтимоли билан боғлиқ бўлмаслиги керак.

Диверсификация ёрдамида кредит портфелининг умумий хатар даражасини камайтиришга эришиш мумкин.

Банклар учун кредит портфелини диверсификациялаш жуда хам осон. Юқорида таъкидлаганимдек кредитни кам суммада турли сохаларга(саноат, қилоқ хўжалиги, транспорт, бизнес, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш) шунингдек минтақаларга (шахар, вилоят, мамлакатларга) ажратишга эришиш лозим.

Масалан, Тижорат банки ўз кредитларини бир тармоққа автомобил ишлаб чиқаришга йўналтирса автомобил савдоси, ишлаб чиқариш пасайиб нархлар тушиб кетса ёки бир шаҳардаги мижозларга хизмат кўрсатаётган банк шаҳардаги иқтисодий ва сиёсий ўзгариш натижасида зара кўради ва хатто банкрот бўлиб кетиши мумкин.

Бу холда диверсификация сиёсатининг қўлланилмаслиги “муаммоли кредитни” нинг “муаммоли банклар”га айланишига олиб келиши мумкин.

Кредит портфелини диверсификациялаш қарзни тўламаслик хатарини энг оддий хеджилашаг ёрдам беради ва банкнинг ссуда ва депозитлари кенг мижозлар кўламида бўлиб чиқишини англатади.

Кредит портфелини диверсификациялаш усулидан фойдаланишда банк кредит ларини турли сохалардаги тадбирколик субъектларига, кичик миқдорда қисқа муддатларга ва кўпроқ мижозларга беришни афзал кўриши лозим.

Яна кредит диверсификация қилишда берилган кредитларни таъминланганлигини хисобга олиш йўли билан кредитлар бўйича хатарларни камайтириши, банк ундан фойда олишга эришиши мумкин.

Шундай қилиб, кредит портфелини диверсификация қилиш усули қуйдаги тўртта хусусиятни ўзида ифода қилишни эътиборга олиш зарур.

Булар:

- Биринчидан, кредитни кўп сонли, турли тармоқларга таълуқли миждозлар ўртасида тақсимлаш;
- Иккинчидан, кредитни кам миждорда бериш ва бир миждоздан кўрилиши мумкин бўлган зарарни бошқа миждоздан келадиган фойда орқали қоплаш;
- Учинчида, кредит умумий хамини сақлаб турган холда қисқа муддатли кредит бериш;
- Тўртинчидан, кредитларни таъминланганлиги бўйича диверсификация ўтказиш.

Кредитларни диверсификация қилишда кредитларни кам миждорда кўпроқ миждозларга беришга алохида эътибор бериш лозим.

Тижорат банклар кредит портфелини диверсификация қилишнинг тўртинчи усули яъни кредитларнинг таъминланганлиги бўйича диверсификация ўтказиш бизнинг банкимиз амалиётида кам қулланилади.

Бизнинг фикримизча диверсификацияни кредитларнинг таъминланганлиги бўйича ўтказиш ҳам анча самара берувчи усул хисобланади. Чунки таъминланганлик кредитнинг асосий тамойиллардан бири бўлиб, кредитни ўз вақтида тўланишига асос бўлади.

Кредитни таъминланганлиги бўйича диверсификация қилишда таъминлаш асос қилиб олинган объектив омиллардан биридир. Бунда таъминот қилиб олинган объектнинг ликвидлигига алохида эътибор бериш лозим.

Кредитнинг таъминланганлиги бўйича диверсификация қуйдаги белгилар бўйича ўтказилса мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Булар:

- Кредитни товар моддий бойликлар билан таъминланганлиги;
- Давлатни турлиқиммат баҳо қоғозлари ва кафолатлари билан таъминланганлиги;
- Қимматли қоғозларни гаровга олиш йўли билан таъминланганлиги;
- Банк кафолати билан таъминланганлик даражаси;
- Бошқа ҳуқуқий шахсларнинг асосида кредитлар бериш ва бошқалар.

Тижорат банкларнинг кредит портфелидан кредитларни йирик, ўрта, майда кредитларга бўлиш мумкин.

Имзоланган кредит келишувига кўра банк кредит портфелини ўз капитали миқдорига қараб ўз кредит портфелини ташкил қилиши лозим.

Майда кредитлар – биттасининг миқдори банкнинг ўз капиталининг 1/300 қисмини ташкил этади. Барча мақулланган майда кредитларнинг тутган активларининг 30-35 фоизини этиши керак.

Ўрта кредитлар – биттасини миқдори банкнинг 1/100 қисмини ташкил этади. Барча мақулланган кредитлар салмоғи барча активларнинг тахминан 30-35 фоизини ташкил этади.

Йирик кредитлар ғ битта қарз олувчига берилган кредит суммаси ўз капиталидан 20 баробар ошиқ миқдорда бўлиши мумкин. Барча мақулланган кредитлар салмоғи ҳамма активларнинг 30 фоизидан ошмаслиги керак.

II. Боб. Тижорат банклари кредит портфелини бошқариш самарадорлигига таъсир этувчи омиллар ва уларнинг таҳлили.

II.1.Тижорат банклари кредит портфелини бошқаришни ишлаб чиқиш ва юритиш тартиби.

Кредит портфелини бошқаришда асосий ўринни алоҳида олинган ссудаларнинг сифатини баҳолаш меъзонларининг ишлаб чиқиш ва уларни баҳолаш асосий ўринни эгалайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида хорижий мамлакатларда кредит муносабатларини ривожланиши берилга кредитлар сифатини баҳолаш меъзонларининг кенгайишига олиб келиди. Жаҳон амалиётида банклар томонидан берилган кредитларни сифатини баҳолашнинг 10 хилдан ортиқ йўналишлари мавжуд. Кредитни сифатини баҳолаш кредитни сифатини; кредитни мақсади, уни йўллаш усули, миқдорнинг кредитга лаёқатлилиги даражаси, унинг қайси тармоққа таълуқли эканлиги ва мулк, миқдори банк билан муносабатини характери, банкнинг миқдор тўғрисида тўлиқ ахборотга эга эканлиги ва уни етатилиги даражаси, ссудаларни таъминланганлиги, ҳажми ва бошқа меъзонлар кирди.

Банк активларининг сифатини аниқлашга уларнинг сифатини аниқлашга уларнинг кредит портфелини ўрнатилган меъёрлар асосида тавсифлаб чиқиш орқали эришилиши мумкин. Ўзбекистонда 1996 йил июлидан бошлаб Марказий банк тасдиқлаган кўрсатмага асосан тижорат банклари активларини тавсифлаш ва ссудалар бўйича йўқотишлар бўйича резервларни ташкил қилиш амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Марказий банк фаолияти тўғрисида”ги қонунга асосан активларни тавсифлаш, муаммоли ёки ҳаракатсиз кредитлар бўйича резервларни ташкил қилиш амалга оширилмоқда.

Бу меъерий хужжатга асосланиб банклар томонидан берилагн кредитлар бўйича қарзларнинг сифати, миқдорнинг кредитга лаёқатлилиги, кўрсаткичлари, унинг молиявий ҳолати, кредит рискининг даражаси, келажакда кредитни қайтиб бериш имконияти, кредитни таъминланганлик даражасини, кредитни тўлаш муддатидан неча кун ўтган кабиларни инобатга олган ҳолда гуруҳларга таснифланади. Кредитни таснифлашдан асосий мақсад қарз олувчини тўлай олиш қобилиятини ҳамда қарзни ўз вақтида қайтарилиши учун пул пул оқимини баҳолашдан иборат.

Кредитни таснифлаш қарз олувчининг фаолиятини қуйдаги меъзонлар орқали баҳолашдан иборат:

- Миқдорнинг тўловлар тарихи;
- Тармоқнинг келажак ва анъанавий ривожланиш усуллари;
- Корхонани умумий ҳолати;
- кредитланадиган лойиҳани ҳолати ва самарадорлиги;
- корхонанинг молиявий ҳолати;
- корхонада бошқарув раҳбарлик сифати;
- уорхонани ривожланиш режаси стратегияси ва бошқалар.

Банкоарни кредит портфелини қуйдаги йўналишлар бўйича таснифлаш мумкин:

1. хатар бўйича;
2. иқтисодиёт тармоқлари бўйича;
3. берилган кредитни қайси мақсадга йўналтирилганлиги бўйича;
4. фойдаланиш муддати бўйича;
5. маблағни ҳажми бўйича;
6. таъминланганлик шакли бўйича;
7. мулкчилик шакли бўйича.

Ундан ташқари манбаларига ва қарз олувчини минтақавий ўрни ва манзили бўйича ҳам тижорат банкларининг кредит портфелини таснифлаш муаммоли. Таснифлашни асосан миллий валютада амалга оширилади. Баъзи ҳолларда қайта молиялаштириш ва ўз маблағлари ҳисобидан бериладиган кредитлар (масалан, Миллий банк ва шунга ўхшаш банкларда) каттик валютада ҳам амалга ошириши мумкин.

Ҳозирги вақтда марказлаштирилган кредитлар давлатни қарорларига асосан устивор тармоқларга ривожлантириш учун миллий валютада берилади. Қайта молиялаштириш ва банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан бериладиган кредитлар мижоз кредитга лаёқатли бўлганда миллий валютасида берилиши мумкин.

Тижорат банклари фаолиятида юқорида келтириб ўтилган хатарларнинг барчаси учраб туради, лекин уларнинг фаолиятига кўпроқ таъсир қиладиган рисклар кредит rischi, ликвидлик rischi ва фойиз ставкаси rischi ҳисобланади. Тижорат банклар фаолиятининг асосий қисми кредитлар бериш ва шу асосда фойда олишга йўналтирилган бўлганлиги учун улар фаолиятида бу рискларнинг салмоғи ҳам юқори бўлади.

Таснифланган кредитларнинг ҳар қайси гуруҳга кириши даражаси тез сотиладиган активлар ва юқори ликвид маблағларнинг мавжудлиги билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан 9 ноябр 1998 йилда тасдиқланган №242-сонли “тижорат банклар ва уларнинг филиаллари томонидан активлар сифатини таснифлаш, ссуда бўйича юзага келиши мумкин йўқотишлар ўрнини қоплаш учун ташкил этиладиган захираларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби”га асосан тижорат банклари томонидан бериладиган кредитлар юқорида келтирилган меъзонлар бўйича “яхши”, “стандарт”, “субстандарт”, “шубҳали”, “умидсиз” ёки ишончсиз кредитларга таснифланади.

Кредит портфелини берилган ссудаларнинг таъминланганлик даражасига қараб қуйдаги турларга бўлиш мумкин.

Яхши кредитлар. Кредитнинг бундай сифатда баҳоланиши, миқозни активлари, уларни ҳолати бўйича ҳеч қандай гумон йўқлигидан далолат беради. Молиявий жихатдан барқарор, хўжалик обороти юқори даражада ўз капитали билан таъминланган, юқори рентабеллик кўрсаткичларига эга, дебитор ва кредитор қарзларнинг айланиш муддати қисқа ва хоказо.

Бу кредит эгалари молиявий барқарор хўжалик субъекти бўлиб, у юқори даражадаги таъминотга эга. Бунда асосий эътиборни қарз олувчининг аввалги фаолиятидаги мажбуриятлар бўлган муносабатга, осон реализация қилинувчи активлар ва юқори ликвидли маблағлардан ташкил топган ишончли кредит таъминотига қаратиш керак. Ушбу тоифадаги кредитларда қайтармаслик белгилари мавжуд эмас, банклар учуун зарар кириш имкониятлари минимал даражада бўлади, кредитнинг таъминланганлигининг олинган молғмулк, гаров ва бошқаларни таркибида тез пулга айланадиган активлар ва юқори ликвид маблағлар салмоғининг кўплиги эътиборга олинади.

Кредит бўйича олинган таъминланганлик(гаров, мол-мулк ва бошқалар) кредит суммаси ва у бўйича фоиз ставкаларини тўлашга етарли бўлгандагина кредит таъминланган деб ҳисоблаши мумкин.

Кредлар бўйича ҳужжатлар қонун бўйича ҳужжатлаштириш ва банк зарур бўлганда кредитни ундириб олиш имкониятига эга бўлиши зарур (кредитнинг қайтмаслик эҳтимоли чекланган бўлсада). Кредитнинг бу гуруҳида миқознинг фаолиятидаги асосий ишни омилга, яъни:

- миқознинг олдинги фаолиятидаги ўз мажбуриятларига бўлган муносабати;

- кредит бўйича аниқ таъминланганлигини(гаров, кафолат, мулк ва бошқалар) бўлиши ва уни тўғри расмийлаштирилганлигига алохида эътибор берилади.

Стандарт кредитлар. Бундай кредитлар бўйича вақти-вақтти билан кредитни ўз вақтида қайтара олмаслик шароити юзага келади. Лекин кредитни берилиб, белгиланган муддатда тўлай олмаслик шароитида унинг тўлов муддатини узайтириши бир мартагина бўлиши, кредитни ва у бўйича фоизларни тўлай олмаслик даври 30 кундан 60 кунгача, тўлиқ таъминланган кредитлар учун 30 кун бўлган муддатдан ошмаслиги лозим. Олган кредитни стандарт деб топилаган миқдорни молиявий ахволи одатда барқарор бўлади, лекин маълум вақтинчалик сабаблар туфайли унинг фаолиятида салбий молиявий ҳолат юзага келган бўлиши мумкин. Бундай кредитлар қаторига яхши расмийлаштирилган кредитлар, гаров таъминланганлиги бўйича тўғри ҳужжатлаштирилган ёки ҳужжатлар етарли бўлмаган кредитлар ҳам киритиши мумкин. Бу кредитлар бўйича 10 фоиз атрофида резерв ташкил қилиниши зарур.

Субстандарт кредитлар. Бу гуруҳга кирувчи кредитлар уларнинг сифати етарли даражада эмаслигини билдирувчи аниқ белгиларга эга бўлади. Бу асосан кредитларнинг банк қайтиб тўланишида маълум камчиликлар мавжудлиги ва кредитни таъминланганлиги сифатида қабул қилинган бошланғич маблағлар кредитни тўлаш учу етарли бўлмаслиги натижасида қарзни тўлаш учун қўшимча бўлган маблағларни топиш зарурлигини кўрсатади. Субстандарт кредитлар қарз олувчининг ишончли молиявий ахволи ва тўлов қобилиятининг юқори даражаси билан химояланган. Бу кредит кредитни таъминланганлигини ташкил қилувчи манбалар маълум рисклар билан боғлиқлигини, кредитнинг жорий ҳолати бўйича етарли ахборотнинг мавжуд эмаслиги, гаров ҳужжатларида мавжуд бўлган камчиликлар билан характерланади ва 60 кундан 90 кунгача тўланмаган қарзлар мавжуд бўлиши мумкин. Бу кредитлар молиявий ахволи барқарор

бўлмаган корхонанинг тўловга лаёқатлилигидан камчиликлар бўлган холларда юзага келади. Субстандарт кредитлар бўйича 25 фоиз кредитлар тўланмаслиги мумкин деб хулоса қилиши ва бу кредитлар бўйича тўланмаган қарзларни қоплаш учун 25 фоиз резерв ташкил қилиши мумкин.

Шубхали кредитлар. Бу кредитлар юқорида келтирилган кредитларнинг барча салбий тармоқларини ўзида ифода қилиши билан биргаликда тўлиқ таъминланганликка эга бўлмаган, тўланиш эҳтимоли кам бўлган кредитлар киради. Бу кредитлар бўйича олинган кредит яхши таъминланганликка эга бўлганда асосий қарз бўйича фоизларни тўлаш муддати 180 кундан ортиқ муддатга кечиктирилган бўлса, зарар кўриш имконияти юқори, бироқ ушбу кредитнинг сифатига ижобий тасир кўрсатиш мумкин бўлган омиллар мавжудлиги сабабли уларни йўқотилган деб таснифланиши вақтинча тўхтатилади. Бу гуруҳга кирувчи кредитлар бўйича 50 фоизгача резервни ташкил қилиши лозим.

Ишончсиз кредитлар. Бу кредитлар бўйича қарзларнинг тўланиш эҳтимоли деярли йўқ. Агар кредит тўлиқ таъминланмаган бўлса, энг камида битта муаммоли тавсифга эга бўлса, тўлов муддати 360 кундан ошган бўлса ҳамда кредитни “шубхали” деб таснифлаб бўлмаса бундай активлар “ишончсиз” деб ҳисобланади. Бу активлар жуда паст қийматга эга бўлиб, уларни активлар сифатида ҳисобга олиб бориш мақсадга мувофиқ эмас. Шунинг учун банклар бу кредитларни ўз банкларида зарар сифатида ҳисобга олишлари мумкин. Ишончсиз кредитлар фойда ҳисобига бунинг учун фойда етмаган холларда эса банк сармоясини ҳисобига балансидан чиқариши мумкин. Банк учун бу кредитлар зарар сифатида таснифланади. Бундан ташқарибир йил ва ундан ортиқ муддатти ўтган ва фоизлар бўйича қарзлар ҳам зарар сифатида тавсифланиши мумкин. Шу сабабали бу гуруҳга кирувчи кредитлар бўйича 100 фоиз резерв ташкил қилиш лозим бўлади.

Кредит портфелини берилган ссудаларининг таъминланганлик даражасига қараб қуйдаги турларга яъни:

- биринчи даражада таъминланган;
- бошқа таъминотга эга бўлган;
- тўлиқ таъминотланмаган;
- таъминотланмаган ссудаларга бўлиш мумкин.

Биринчи даражада таъминотланган кредитлар гуруҳига тўлиқ таъминланган кредитлар киради. Улар:

- Ўзбекистон Республикаси ҳукумати кафолати;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки кафолати;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг розилиги билан биринчи синфга , хорижий банклари кафолати;
- Эркин айрбошланадиган валютадаги гаров;
- Ўзбекистон еспубликасидавлат ҳукумат қоғозлари кўринишдаги гаров;
- Стандартлаштирилган қимматбаҳо меттал қўйилмалари кўринишдаги гаров кабилар билан таъминланади.

Бошқа таъминотга эга бўлган ссудалар:

- Мол-мулк гарови;
- Қимматли қоғозлар кўринишидаги гаровлар;
- Бошқа ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг кафолат хати кабилар билан таъминланади.

Тўлиқ таъминотга эга бўлмаган кредитлар турига қисман таъминланган кредитлар киради. Қийматнинг 60 фоизидан кам бўлмаган ёки ўрнатилагн тартибда расмийлаштирилган кредитлар киради.

Тижорат банкларнинг кредит портфелини бўлиб-бўлиб таснифлаш ҳам мумкин. Бу ҳолда активлар бир ва ундан ортиқ турким бўйича таснифланиши мумкин.

Муаммоли таъминотга эга бўлса ва ушбу таъминотнинг қиймати қайтарилмаган қарз миқдоридан кам бўлса, бу ҳолда ушбу кредит(агар таъминот учун бозор мавжуд бўлса):

- Таъминотнинг бозор нархига тенг бўлган қайтарилмаган қарз субстандарт қарзининг қолган қисми эса шубхали ёки ишончсиз деб таснифланади.

Шубхали ёки ишончсиз деб таснифланган муаммоли кредит таъминотга эга бўлмаса, лекин келажакда қисман қопланиш эҳтимоли бўлса, у ҳолда бундай ссуда юқорида айтиб ўтилган қоплаш эҳтимоил бўлган тўланмаган қарз миқдори шубхали деб, қарзнинг қолган қисми эса ишончсиз деб таснифланади.

II.2. Тижорат банклари кредит портфелини банк фаолиятига таъсири таҳлили.

Тижорат банклари кредит портфелини сифатини оширишнинг зарурий шартларидан бири диверсификациялаш тамойилларига қатъий риоя қилиш риоя қилиш эканлиги жаҳон молиявий-иқтисодий яққол намоён бўлди. АҚШ ва Европа иттифоқи мамлакатлари ҳудудида фаолият кўрсатаётган қатор тижорат банклари кредит портфелини диверсификациялаш тамойилини бузулишига йўл қўйдилар. Натижада уларнинг кредит портфели хажмида ипотека кредитлари салмоғи 50 фоиздан ошиб кетди. Холбуки тижорат банклари кредитларининг 25 фоиздан ортиқ қисми битта соҳа ёки тармоққа тўпланиши банк кредит портфелини диверсификация тамойилини бузулишидан далолат беради ва кредит хатарини кучайишига олиб келади.


**Наманган шаҳар Халқ банки амалиёт бўлими кредит портфелини
таъминот таҳлили³**

№	Таъминот тури	2008		2009		2010	
		миқдори	%	миқдори	%	миқдори	%
1	Гаров	2455,4	44,8	4027,3	62,4	5639,0	77,3
2	Суғурта полиси	1583,1	28,9	1400,9	15,9	1491,1	20,4
3	Кафиллик	1437,2	26,3	1022,3	21,7	157,7	2,3
	Жами	5475,7	100	6450,5	100	7288,8	100

Кредит портфели таъминоти диверсификациясини ўзгартириб юборган. Таъминот бўйича асосий манба 2008 йилда гаров 44,8 фоиз, суғурта полиси 28,9 фоиз ва кафиллик бўйича 26,3 фоизни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилга келиб гаров 77,3%-ни , суғурта полиси 20,4 %-ни ва учинчи шахс кафиллиги 2,3-ни ташкил қилган. Банк кўроқ гаров сифатида таъминланганлигига эътибор бериб бу гаров асосини енгил ва юк автомобиллари ва кўчмас мулк ҳисобланган иморат ва иншоотлар қўйилган. Суғурта полиси улуши ҳам камайиб 28,9 фоиздан 20,4 фоизга, кафиллик бўйича эса 26,3 дан 2,3 га пасайиб кетди.

³ Манба: Халқ банки Наманган шаҳар амалиёт бўлими маълумотлари асосида тузилди.

ДТ Халқ банки Наманган шаҳар амалиёт бўлими кредит порфели тармоқлар бўйича 2010 йил фоиз



Қуёида келитирилган диаграмма бўйича тармоқлар бўйича кредит портфели диверсификацияси таҳлил уй-жой сотиб олиш ва қуриш мақсадида умумий кредит портфелини 43.7 фоизини ташкил қилган , савдо учун умумий миқдорни 16 фоизи, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун 3.2

фоиз ва молиявий лизинг мақсадлари учун умумий кредит портфелида 3.0 фоизини ташкил қилган.

Ушбу битирув малакавий ишимда Наманган шаҳар Халқ банки амалиёт бўлими кредит портфели 2011 йил 10 апрел ҳолатига таҳлил қилиб, ўрганиб чиқдим. Таҳлил натижасида қуйдагилар аниқланди: амалиёт бўлимини кредит портфелини таркиби 2-2-1-жадвал маълумотларида кўрашиб ўтилган жами кредит портфелини суммаси 2 528,9 млн сўмни ташкил қилди.

Кредит портфелида берилган кредитлар таснифи бўйича яхши баҳоланган, кредит таъминоти 3 баробарга таъминлангани аниқлангани($7288:2528=2.8$) аниқланди.

Кредит портфелини таҳлил қиладиган бўлсак, қуйдагилар аниқланди:

1. Истъемол кредити -18,5 млн сўм ёки 2,8 %
2. Айланма маблағларни тўлдириш учун -20,0 млн сўм ёки 2,9 %
3. Савдо учун -403,0 млн сўм ёки 16,0 %
4. Узоқ муддатли кредитлар -1090,0 млн сўм ёки 43,1 %
5. Хусусий тадбиркорликни қўллаб қувватлаш учун - 97,0 млн сўм ёки 3,7 %
6. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун - 720,3 млн сўм ёки 28,4 %
7. Молиявий лизинг учун – 79,1 млн сўм ёки 3,1% ни

Ташкил қилиб жами кредит портфелида умумий мақсадли 2528,9 млн сўмни ташкил қилган.

2-2-1-жадвал маълумотларидан кўриб турганимиздек истъемол кредити учун 18,5 млн сўм кредит ажратилган , бу эса асосан оила фаровонлиги учун ажратилган кредитлар бўлиб йиллик фоиз ставкаси ўртача 16%ни ташкил

қилган, таъминот суммаси 19,7 млн сўми , ёки 106,4 %ни ташкил қилиб умумий кредит портфелидаги улуши 2,8% ни ташкил қилган.

Айланма маблағларни тўлдириш учун ажратилган кредит миқдори 70,5 млн сўми ёки умумий кредит портфелини 2,9 %ни ташкил топган. Кредит таъминоти сифатида транспорт воситалари қўйилган 32,0 млн сўми ёки 1,6 марта ортиқ қўйилган ($32:20=1,6$).

Савдо учун берилган кредитлар асосан озиқ-овқат маҳсулотларига, минерал ўғитлар савдосини , чакана савдо, суюлтирилга газ савдоси ва алоқа алоқа хизматини ташкил қилиш мақсадларига берилган. Умуман бу мақсадлар учун юридик шахсларга 403,0 млн сўм кредит ажратилган , бу эса кредит портфелидаги умумий суммани 16 % ни ташкил қилган. Асосан берилган кредитлар бир йил муддатига берилган бўлиб, кредит таъминоти сифатида енгил автомобиллар ва суғурта полислари қўйилган, кредит таснифи “яхши” кредит таъминоти 1217,0 млн сўм ёки 3 баробардан ортиқ ($1217:403$)ни ташкил қилди.

Узоқ муддатли кредитлар салмоғи умумий кредит портфелида 43,7 %ни ташкил қилиб, 1090,1 млн сўм миқдорида берилган.

Ушбу кредитлар уй-жой сотиб олиш ипотека кредити, талаба ва таълим, комфорт люкс кредитларидан ташкил топиб, кредит таъминоти талаба кредитида учинчи шахс кафиллиги ва суғурта полиси ва кафолати сифатида қўйилган. Уй-жой қуриш ва сотиб олиш учун олинган кредитларда нафақат таъминот сифатида кўчмас мулк қўйилган. Комфорт люкс кредит таъминоти сифатида депозитлар ва суғурта полиси оила фаровонлиги кредитига эса транспортвоситалари қўйилган. Бундан ташқари ушбу кредит ичида қора мол сотиб олиш учун бир йил муддатга кредит берган бўлиб унинг таъминоти сифатида суғурта полиси қўйилган. Оила фаровонлиги ва истемол кредити 3 йил муддат билан берилган бўлиб уни йиллик фоиз ставкаси 14 фоизни ташкил қилган.

**Наманган шаҳар Халқ банки амалиёт бўлими кредит портфелини 2011 йил ҳолатига тартиби ҳақида
маълумот.**

№	Кредит портфелида қайси мақсад учун олинган кредитлар	Берилган сана	Қайтариладиган сана	Жами берилган кредитлар миқдори	%	Кредит қайси мақсадда берилган	Йиллик % ставкаси	Кредит таъминоти	Кредит таъминотининг суммаси	Кредит таснифи
1	Истеъмол кредити	2010	2011	18,5	0,8	Оила фаравонлиги	16	Суғурта полиси	19,7	яхши
2	Айланма маблағлар	2010	2011	20,0	0,9	Айланма маблағлар	18	Транспорт воситаси	32,0	яхши
3	Савдо учун	2010	2011	403,0	16	Савдо ва айланма маблағлар	16	транспорт ва суғурта полиси	1217,0	яхши
4	Узоқ муддатли	2010	2024	1090,1	43,7	Ипотека, таъмир истемол	14-18	Қўмас мулк, суғурта полиси	1949,0	яхши
5	Хусусий тадбирколар учун	2009	2011	97,0	3,2	Чорвачилик ва савдо	16	Транспорт воситаси	136,9	яхши
6	Идлаб чиқаришни ривожлантириш учун	2010	2014	720,3	28,4	Ишлаб чиқариш, бинолар қуриш ва мебел ишлаб чиқариш	14-16	Транспорт воситаси	2473,0	яхши
7	Лизинг	2008	2014	79,1	3,1	Қишлоқ хўжалиги учун трактор сотиб олиш	16	Транспорт воситаси	155,7	Яхши
8	Савдо учун	2010	2011	100,0	3,9	Чакана савдо	16	Қўчмас мулк	1207,7	яхши
	жами			2528,9	100				7288,8	

Ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун хусусий тадбиркорлик билан шуғилланувчи шахсларга 97 млн сўм миқдорида кредит берилган бўлиб бу асосан чорвачилик, қандолатчилик ва товукчиликни ривожлантириш учун йиллик фоиз ставкаси 16% 2-3 йил муддат билан берилган. Кредит таъминоти сифатида 1,4 баробар миқдорда транспорт воситалари қўйилган (136,9:97). Ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун юридик шахсларига парндачиликни риволантириш, автомобил ва дастгоҳларни сотиб олиш учун 720,3 млн сўм кредит ажратилган ва бу кредит портфелини 28,4 фоизини ташкил этади. Ушбу кредитларни ўртача муддат уч йил бўлиб фоиз ставкалари 14-16 %ни ташкил этади. Кредит таъминоти эса 3 баробардан ортиқ(2473:720).

Молиявий лизинг учун 79,1 млн сўм кредит ажратилиб уни кредит портфелидаги улуши 3,1 %ни ташкил этади. Ўртача кредит бериш муддати 3 йил кредит таъминоти икки баробардан кўпроқ, яъни (155:79,1) таъминот сифатида автомобиллар қўйилган. Кредит таснифи ушбу кредит учун “яхши” деб бахоланди.

Умуман олганда Халқ банки Наманган шаҳар амалиёт бўлими кредит портфели 2011 йил 1 апрели ҳолатига жами берилган кредитлар миқдори 2528,9 млн сўм, ҳисобот кунига кредит қолдиғи 4151,7 млн сўм, кредит таъминот суммаси 7288,8 млн сўм ҳисобланган лекин муддати келмаган фоизлар миқдори 114,1 млн сўмни ташкил қилиб кредит таснифи яхши.

**Наманган шаҳар Халқ банки амалиёт бўлими кредит портфелида
истемол кредит тўғрисида маълумот.**

№	Кафолатларнинг номи	Кредит сони	Кредит берилган сана	Қайтариш муддати	Жами берилдиган кредитлар миқдори	Қайси мақсадда берилган	Йиллик % ставкаси	Кредит таъминот суммаси	Кредит таснифи
1	Суғурта полиси	7	08.11.2010	03.11.2011	13.7	Оила фаравонлиги	16	13,7	яхши
2	Жисмоний шахс кафиллиги	3	30.06.2010	03.06.2011	4.8	Кредит	18	4,8	яхши
3	Енгил автомобил	2	25.12.2010	15.12.2011	20.0	Айланма ва чакана савдо	16	32,0	яхши
4	Совутгич, бино, иншоат	1	22.04.2009	31.10.2010	100.0	Озиқ-овқатлар махсулоти	14	130,3	яхши
	Жами	13	1 йил	1 йил	138.5			180,8	яхши

Истемол кредити ичида энг катта кредит суммаси озиқ-овқат махсулотлари савдоси учун берилган бўлиб унинг миқдори 100 млн сўм кредит таъминоти 130,3 млн сўмни ташкил қилиб бир ярим йил муддатга йиллик фоиз ставкаси 14 %ни ташкил этади. Гаров сифатида бино, иншоатлар қўйилган.

**Наманган шаҳар Халқ банки амалиёт бўлими кредит портфелида
савдо ва айланма маблағларини тўлдириш учун олинган кредитлар
тўғрисида маълумот.**

№	Кафолатларнинг номи	Кредит сони	Кредит берилган сана	Қайтариш муддати	Жами берилган кредитлар миқдори	Қайси мақсадда берилган	Йиллик % ставкаси	Кредит таъминот суммаси	Кредит таснифи
1	Енгил автомобил	3	19.01.2011	13.01.2012	80,0	Айланма маблағлар тўлдириш учун	18	Транспорт воситаси	яхши
2	Савдо дўкони	2	19.03.2011	19.03.2011	213,0	Чакана савдо	18	кўчмас мулк	яхши
3	Трактор воситалари	2	30.07.2010	30.1.2011	25,0	Уяли алоқа хизматига	16	транспорт воситаси	яхши
4	Суғурта полиси	2	06.01.2011	30.12.2011	35,0	Айланма маблағлар тўлдириш учун	16	суғурта полиси	яхши
5	Бино ва иншоотлар	2	19.02.2010	16.02.2011	50,0	Суюлтирилган газ савдосига	12	Кўчмас мулк	яхши
	Жами	11			403,0				

Ушбу жадвалда кредит портфелидаги юридик шахсларга савдо ва айланма маблағларни тўлдириш учун 11 инвестицион лойихага 403 млн сўм маблағ ажратилди. Ушбу маблағлар эҳтиёт қисимлар, суюлтирилган газ, уяли алоқа хизматлари учун берилган бўлиб йиллик фоиз ставкаси 12-18% ўртача 1-1,5 йилга берилган. Кредит таъминоти уч баробар (1217:403)га тенг бўлиб асосан транспорт воситалари ва суғурта полиси ҳамда кўчмас мулклардан таркиб топади. Кредит таснифи яхши деб баҳоланди.

**Наманган шаҳар Халқ банки амалиёт бўлими кредит портфелида
жисмоний шахсларга берилган узоқ муддатли.**

№	Кафолатларнинг номи	Кредит сони	Кредит берилган сана	Қайтариш муддати	Жами берилган диган кредитлар миқдори	Қайси мақсадда берилган	Йиллик % ставкаси	Кредит таъминотини номи	Кредит таъминот суммаси	Кредит таснифи
1	Талаба кредити	50	2010	2017	53,4	Талаба ва таълим учун	14	Учинчи шахс каффиллиги	53,4	Яхши
2	Истеъмол кредити	16	2009	2011	108,4	Уй буюмларини сотиб олиш	16	депозит	108,4	Яхши
3	Комфорт люкс кредити	2	2008	2011	6,0	Истеъмол буюмлари	16	депозит	9,0	Яхши
4	Уй-жой сотиб олиш	5	2008	2023	115,0	Уй буюмларини сотиб олиш	14	Кўчмас мулк	137,5	Яхши
5	Ипотека кредити	57	2007	2022	801,0	Қурилишга	14	Кўчмас мулк	1633,8	Яхши
6	Қорамол сотиб олиш	18	2011	2012	6,0	Қорамол сотиб олишга	4	Суғурта полиси	6,0	Яхши
7	Уруғчиликни ривожланчтириш учуун	1	2010	2011	1,0	Уруғчиликни ривожланчтириш	14	Учинчи шахс каффиллиги	1,2	Яхши
	Жами	149			1090,8				1949,3	Яхши

Кредит порфелидаги жисмоний шахслар учун берилган узоқ муддатли кредитлар юқоридаги жадвалда кўрсатилган. Кредит порфелида ушбу мақсадлар учун 1090,8 млн сўм ажратилган бўлиб кредит порфелини 43,7 фоизини ташкил этади. Ушбу кредитлар фоиз ставкалари 4,14 ва 16 % қилиб белгиланган, уларни таъминоти сифатида учинчи шахс каффлиги, депозит, кўчмас мулк ва суғурта полислари тақдим этилган.

Умумий кредит таъминот суммаси 1949,3 млн сўмни ташкил этади, кредит таснифи эса яхши деб баҳоланди.

Жадвал 2-2-6

Наманган шаҳар Халқ банки амалиёт бўлими кредит портфелида хусусий тадбиркорларга ажратилган кредитлар тўғрисида маълумот.

№	Кафолатларнинг номи	Кредит сони	Кредит берилган сана	Қайтариш муддати	Жами бериладиган кредитлар миқдори	Қайси мақсадда берилган	Йиллик % ставкаси	Таъминот номи	Таъминот суммаси	Кредит таснифи
1	Енгил автомобил	5	2009	2012	40,0	Чорвачилик	16	Нексия а/м	61,6	яхши
2	Дамас (енигл автомобил)	1	2010	2013	20,0	Қандолатчилик цеҳи қуриш	16	Транспорт воситаси	27,7	яхши
3	Нексия (енигл автомобил)	1	2009	2011	12,0	Чорвачиликни ривожлантириш	16	Транспорт воситаси	12,0	яхши
4	341-130 Нексия	2	2009	2012	25,0	Савдо дўкони қуриш	16	Транспорт воситаси	35,6	яхши
	Жами	9			97,0				136,9	

Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида ДТ Халқ банки Наманган шаҳар амалиёт бўлими кредит портфелидан 9 та кредитлар 97 млн сўмга йиллик 16 % ставкада кредитлар ажратилган. Бу асосан қандолатчилик, чорвачилик, парранадачилик ва савдо дўкони кириш мақсадида берилган. Ушбу кредитлар тахминоти сифатида асосан енгил автотранспорт воситалари қўлган бўлиб таъминот суммаси 136,9 млн сўмни ташкил этди. Кредит қайтарилиши муддати 3 йил кредит таснифи яхши деб баҳоланди.

II.3. Тижорат банклари кредит портфелини бошқаришда Марказий банкнинг ўрни.

Шуни айтиб ўтиш лозимки , тижорат банкларининг маблағларини бошқаришнинг асосий кўрсаткичлари ва методикалари банк ликвидликни бошқариш бўйича ҳар кунлик иши банкни ўзига сақлашга қаратилган , уни шартли бўлиб миждлар олдида мажбуриятларини ўзини сақлашга тўхтовсиз бажариш ҳисобланади.

Ташкилий нуқтаи назардан, баланс пассиви ва активининг алоҳида гуруҳларива моддаларининг маълум кўрсаткичларида белгиланган нисбатига риоя қилишини тақазо этади. Бундай кўрсаткичлар ташқи ва ички кўрсаткичларга бўлинади.

Ташқи кўрсаткичлар – Марказий банк томонидан амал қилинаётган қонунчиликга асосан ўрнатилади. Улар давлат тижорат банклари фаолиятини давлат томонидан бошқаришнинг шаклида намоён бўлади.

Ички кўрсаткичлар эса, банк барқарорлигини таъминловчи умумий нисбатларни аниқлаб беради. Масалан, жорий ликвидлик кўрсаткичи ликвидлик суммасини умумий суммасини банк талаб қилигунча рақамлари бўйича мажбуриятларига нисбатини аниқлаб беради. Унинг миждларга ҳисоб касса хизматларини кўрсатаётган банклар учун қиймати 0,2 га тенг, яъни талаб рақам қолдиқларига мос келувчи, активларнинг 20 % ни, энг ликвид шаклида(банк кассадаги қолдиқлар, корреспондент рақамлардаги қолдиқлар шаклида) ушлаб туриш кераклигини англатади. Ҳар битта активлар нормаси ундаги алоҳида ликвид активларининг шакллари нисбати тижорат банк томонидан ишнинг хусусиятини инобатга олиб ўзига белгиланади. Улар ички ликвидлик кўрсаткичлар бўлиб ва банк мутахасисларининг оператив иши учун қилади.

Кўрсатилган кўрсатгичларни ишлаб чиқишда ва ликвидликни бошқаришда факторлар комплекси инобатга олинади. Уларни асосий тўрт гуруҳга гуруҳлаш мумкин:

1. Банк мижози фаолиятинининг хусусиятларидан келиб чиқувчи тасодифий ва фавқуллотда факторлар;
2. Ишлаб чиқариш ва қайта ишлашга таълуқли сезонлик факторлар;
3. Иш активини тебрантиручи даврий факторлар;
4. Фан техника пргресси, инвестицион жараёнлар ва истемолнинг силжишига боғлиқ бўлган узоқ муддатли факторлар.

Мазкур кўрсатгичлар банкнинг доимий иши хисобланмайди ва тижорат банк фаолиятининг йўналишини таъминловчи “чегаралар” ролини бажаради.

Тижорат банклар учун ҳам, бошқа ихтиёрий муассасалар каби, ликвидликнинг умумий асоси бўлиб, фойдалиликни таъминлаш хисобланади.шунинг билан бирга, тижорат банкларининг мижозлар маблағларини ишлатиш хусусияти спецефик ликвидлик кўрсатгичларини ишлатишга ундайди. Тижорат банкнинг умумий ва мпецефик ликвидлиги бир-бирини тўлдирсада, баъзан уларнинг йўналишлари қарама қарши . максимал спецефик ликвидлик бошқа активларга нисбатан касса ва корреспондент рақамидаги максимал бўлганда эришилади. Аммо айнан шу холатда банк фойдаси максимал бўлади. Фойданинг максимал маблағларини сақлаш эмас, балки актив операцияларга ишлатишни талаб этади. Ўз навбатида, касса ва корреспондент рақамидаги қолдиқни минималлаштиришига олиб келгани учун мижозлар олдидаги мажбуриятга хавф хатар туғдиради. Демак, банк ликвидлигини бошқариш умумий мажбурият ва ликвидлик спецификациясига кескин ва чамбарчас боғлиқ.

Ликвидликни бошқаришнинг мақсадли функцияси шундан иборатки, тижорат банк ўрнатган иқтисодий нормативларга мажбурий риоя қилиш билан бирга фойдани максималлаштиришга эришиши керак.

Бундай ишни амалга ошириш оператив-информацион таъминотни талаб қилади. Банк ўзида мавжуд бўлган ликвид маблағлар. Қисқа вақтда тўлаши керак. Бундай тушумлар ва тўловлар ҳақида маълумотларни график шаклда кўриш мақсадга мувофиқ бўлади ва мазкур даврга кредитнга таклиф учун асос бўлади. Фойдани максималлашуви тушумларнинг кўпайиши ва харажатларни камайишига олиб келади.

Бироқ бу кўрсаткичларга бўй синиш тижорат банклар учун спецификациялидир. Улар ўз ичига банк айланмасининг ялпи тушумини эмас фойданинг шаклланиши ва ишлатишни ўз ичига олади. Айланманинг асосий элементи бўлиб,- кредитлар бериш ва қайтарилиши – торайган қиймат харакати қонуни билан бошқарилади.

Банк фойдасини ялпи хажми хизмат маблағлар хажмига ва уларнинг нархига боғлиқ. Агар бу факторларнинг харакати , табиий бозор конъюктураси тасиридан ташқари, ликвидликнинг таъминлашнинг специфик талабига боғлиқ.

Тижорат банклар кредит қўйилмаларининг хажми ўз ва жалб қилинган маблағлар хажми билан аниқланади.

Бироқ банк фаолиятини бошқариш принципларига қараб бу маблағларни жами суммаси кредитлаш учун ишлатишга ишлатила олмайди. Шунинг учун банк мақсади бўлиб актив операцияларга йўналтирилган самарали маблағлар хажмини аниқлаш ҳисобланади. Уларни хажмини ҳисоблаш учун қуйдаги формула:

$$KР_3 = У_ф + O_{cc} + Д + O_p + O_{np} + HA - 0,15 * (Д + O_p) - 0,2 * O_p$$

Буларда:

KP_3 -самадорли кредит маблағлари;

$У_ф$ – устав фонди;

O_{cc} – банк ўз маблағлари қолдиғи;

D – депозитлар;

O_p – ҳисоб китоб ва банк миждозларининг бошқа рақамлардаги қолдиқлари;

O_{np} – бошқа жалб қилинган маблағлар;

HA – банк биносига ва бошқа паст ликвидли активларга қўйилган маблағлар.

Келтирилган формулага асосан, самарали маблағлар хажми ва банк баланси пассивининг умумий суммасидан мажбурий резервга қаратилган жалб қилинган маблағлар қолдиқларидан $15\%-0.15(D+O_p)$ ва уларни ссудалар бериш учун тақиқловчи $(0,20_p)$ ликвид активларига жойлаштирилган суммасининг таффовуди орқали аниқланади.

Ликвидликни бошқаришнинг мақсадли функциясини қўллаш энди фаолиятини бошлаган банклар маблағларни етарли жойлаштиришдан иборат, маблағ хажмини ўрнатишдан ва бўш пул маблағларини тақсимлашдан ва шунингдек ресурслар тақчилигининг хажмини аниқлаш учун қўлланилади. Бўш маблағлар хажми – (KP_c) , шунингдек маблағлар тақчилиги (KP_q) самарали ресурслар суммаси ва ҳақиқатдаги кредит қўйилмаларининг $(KB_ф)$ таффовуди орқали аниқланади:

$$KP_c(KP_q)=KP_3 - KB_ф$$

Бўш маблағларни жойлаштириш вақт факторини инобатга олиб амалга оширилади. Бунинг учун маблағларни кредит қўйилмаларининг муддати

бўйича тақсимлаш зарур. Кредит маблағларини ишлатиш банк балансини пассивлар структурасини акс эттиради. Кўрсатувчига қайтариладиган маблағлар, ҳисоб китоб ва бошқа миждозлар рақамларидаги муддатсиз қолдиқларни ўз ичига олади. Шарномада кўрсатилган муддатли депозитлар, ресурслар ишлатилишини аниқ даврини ўрнатиш мумқунлигини кўрсатади. Муддатсиз маблағлар гурҳини банкнинг ўз маблағлари ташкил этади. Қуйдаги жадвалдаги маълумотлар асосида тижоарт банкларининг иқтисодий нормативларининг коэффициент методи таҳлили асосида экспресс методика коэффициентларини кўриб чиқамиз.

Жадвал 2-3-1

Коэффициентнинг методи таҳлили асосида экспресс-методика аналитик коэффициентлар.

Кўрсаткичлар	Қиймати	Қиймати	
Барқарорлик			
СС%	$СС/ВБ*100\%$	Min 8	Min 3
ОВ%	$ОВ/ВБ*100\%$	Min 7-10	Min 2-2.5
СО%	$СО/ВБ*100\%$	Max 65	Max 80
(ВС+ВВ)%	$(ВС+ВВ)/ВБ*100\%$	Max 75	Max 85
Ёрдамчи кўрсаткичлар			
$K_{ПЗ1}$	$ПЗ/ВБ*100\%$	Max 3.5	Max 7
$K_{ПЗ2}$	$ПЗ/ССН*100\%$	Max 1.75	Max 2.5
$K_{ПЗ3}$	$ПЗ/ВС*100\%$	Max 10	Max 18
ликвидлик			
$k_{мл}$	$ЛА/ОВ*100\%$	Min70	Min 30
Ёрдамчи кўрсаткичлар			
$K_{лсо}$	$(ЛА-ОВ)/СО*100\%$	Min 25	Min 50
$K_{глсо}$	$(ЛА+КВ-ОВ)/СВ*100\%$	Min50	Min 25

Бу ерда

СС – ўз маблағлар,

ОВ – талаб қилгунча мажбуриятлар,

ВС – берилган маблағлар,

ВВ – юқори рискли қўйилмалар,

ЛА – ликвид активлар,

КВ – капитал қўйилмалар,

ВБ – баланс валютаси,

ПЗ – муддати ўтган қарздорлик,

ССН – соф ўз маблағлари.

Банк ссудалари бўйича фоиз даражаси пул бозорини тебранишлари : пулга талаб таклифни ўзгариши орқали аниқланади. Аммо пулга талаб ва таклифни константа деб фараз қилсак, тижорат банклар томонидан бериладиган кредит нархи база фоиз ставкасининг даражасини аниқлаб беради.

База фоиз ставкаси тижорат банкларининг пасивлари бўйича тўлаётган фоий даражасидан ташкил топади.

Умумий база фоиз ставкаси ($БПС_0$) қуйдаги формула орқали аниқланади:

$$БПС_0 = (КР_3 * ПС_{но}) / КР_э$$

Бу ерда $ПС_{но}$ – пасив турига қараб фоиз ставкалари .

Умумий базавий фоиз ставкаси аналитик мақсадга эга ва кредит таклифлари пакетини баҳолаш учун ишлатилади. Аниқ ссудалар ечишда

“кредит базавий нархи”(БЦ_к) кўрсаткичини ишлатиш керак. У вақт факторини инобатга олиб ўрнатилади – ссудани ишлатиш даври (Т) :

$$\text{БЦ}_k = (\text{КР}_{\text{ЭТ}} * \text{ПС}_{\text{ПО}}) / \text{КВ}_T$$

Масалан муассаса банкдан 12 минг сўмлик 4 йилгача кредит сўрайди. Кредитни қайтариш иккинчи йилдан бошлаб, хар чоракнинг охириги иш кунида тенг бўлаклари билан тўланади. Агар ресурслар учун шарли равишда биринчи йил – 8 %, иккинчи ва учинчи йил – 10, тўртинчи йил – 12 % тўласа, у холда кредитнинг базавий нархи қўйдагини ташкил этади :

$$\text{БЦ}_k = (12*8+10*10+6*10+2*12)/12+10+6+2=9,3\%$$

Кредитни аниқ нархини аниқлаш учун база нархга маржа кўшилади. Унинг хажмини ҳисоблаш асосида минимал керакли даромад хажми етади. У банкнинг харажатлар суммаси ва минимал керакли фойда суммаси билан аниқланади.

Юқоридаги диаграммадан кўриниб турибдики банкнинг кредит ресурс манбалари 2008 йил ҳолатига кўра ўз маблағлари 61 % фоизни , молия вазирлигининг махсус жамғарма фонди маблағлари 35 %ни , бюджетдан ташқари фодлар ва ОТБ 4 %ни ташкил қилганлигин кўриш мумкин.

III-боб Тижорат банклари кредит портфели бошқариш самарадорлиги сиёсатини олиб бориш ва уни такомиллаштириш

III.1 Тижорат банклари кредит портфели бошқаришда вужудга келадиган муаммолар ва уларни йечимлари

Бозор иқтисодиёти кенг ривожланган мамлакатларда тижорат банкларининг кредит портфелини ташкил қилиш ва ундан фойдаланиш жараёнига катта эътибор берилади, чунки кредит портфелини тўғри ташкил қилиш банкнинг самарали фаолиятини амалга оширишнинг, унинг асосий фаолияти, кредит бинвестиция сиёсатининг олиб боришнинг асоси ҳисобланади. Сифатли даромад келтирадиган қилиб, мавжуд ресурсларни жойлаштириш банкларнинг молиявий ҳолатига ижобий таъсир кўрсатади.

Тижорат банкларининг кредит операциялари катта хатар билан боғлиқ бўлганлиги туфайли биз банкнинг кредит портфелини таҳлил қилиб, ундаги аҳвол, кредит операциялари билан боғлиқ хатарларни камайтириш бўйича хулосалар ишлаб чиқишга ҳаракат қилмоқчимиз.

Биз тижорат банкнинг амалий материаллари асосида жаҳон амалиётида қўлланилаётган усуллар бўйича фойдалилик даражаси бу банкда активларнинг самарадорлиги коэффиценти бўлиб, у (ROA) қуйидаги кўрсаткичлар билан ҳисоб қилинади. Бу банк мисолида қуйидагича аниқланади.

Жаҳон амалиётида ROA нинг даражаси 1 ва ундан ортиқ бўлса, бу ҳолда банк фаолияти, унинг активлар портфелидан фойдаланиши самарали деб ҳисобланиши мумкин. Инвестициялаш учун кредитлар ажратиш, кредитланадиган объектлар бўйича берилган кредитларнинг узок муддатлиги, кредитлар бўйича қафолатланган таъминотнинг йўқлиги, берилган кредитлар бўйича хатарнинг юқори бўлишига асос ҳисобланади.

Ундан ташқари инвестицияланган кўплари янги қурилатган объектлар бўлиб маблағлар сарфига жавоб берувчи ҳуқуқий жихатдан кафолат берувчи ташкилотлар сифатида фаолият кўрсата олаолмайдилар.

Тижорат банклари фаолиятида хвфли бўлган кредит қўйилмалар-бу муаммоли кредитлар шаклига кирган қўйилмалардир. Бу кредитларнинг кредит портфелида мавжуд бўлиши кредит портфелини сифат жихатидан бузилиши ва кредит портфелини бошқаришда муаммолар келтириб чиқаради. Муаммоли кредитлар одатда қарз олувчанинг кредитни тўлаш учун етарли пул маблағлари бўлмаган ҳолда юзага келади. Баъзи ҳолларда улар миқдорнинг ҳисоб рақамида маблағи бўла туриб, кредитни тўлашни хохламаганда ҳам юзага келади.

Пул маблағларининг етишмаслиги баъзида бирдан юзага келиши, баъзи ҳолларда бундай аҳвол аста секинлик билан ривожлана бориб юзвга келиши мумкин.

Кредит бўлими ходимлари шу белгилар юзага келишини биринчи бўлиб сезмоқликлари ва банкни кредит йўқотишлардан сақловчи чегара бўлишлари лозим. Улар банк ва миқдорнинг сақлаб қолган ҳолда бу молиявий қийинчиликлардан чиқиш йўллари ишлаб чиқишга ёрдам беришлари, бошқача қилиб айтганда банклар тўлов куни кредитни ундиришни ўйлаб ўтирмасдан, миқдор фаолиятида муаммолар юзага келган вақтдан бошлаб миқдорга ёрдам беришлари, уларга таъсир кўрсатишлари лозим.

Бунинг учун банк доимо миқдори фаолиятидан хабардор бўлиши, ўзи учун зарур ахборотларни йеғиб олиб, таҳлил қилиб бориши ижобий натижа бериши мумкин.

Кредит бўлими ходимлари кредит берилган миқдорлар ҳақида тегишли ахборотларга ега бўлиши банк кредит портфелини зарур ахборотлар билан

таъминлашга ва уни бошқаришни асослаштириш умуман олганда кредит портфелини бошқаришни такомиллаштириш имконини беради.

Амалиётда банкнинг кредит бўлими ходимлари кредитлар устидан етарли назорат либ бормаслиги билан бирга, миждознинг инқирозли холати аниқлангандан кейин ҳам шк тўғрида банк бошқарувига кредит қўмитасига ўз вақтида ахборот бермайдилар ёки миждознинг илтимосига кўра ахволи яхшиланишини кутадалар. Баъзи холларда миждознинг ахволи кредит бўлими ходими аниқлагандан ҳам ёмонроқ бўлиб чиқиши мумкин. Буларнинг барчаси вақтнинг ўтишига, бинобарин, муаммоли кредитнинг янада муаммолашувига олииб келади.

Бундай холларда муаммоларни олдини олиш учун кредит бўлими фаолияти тезғтез ички аудит томонидан текширилиб туришини, муаммоли кредитлар, уларнинг сабаблари аниқланиб туриши лозим. Яъна шуни таъкидлаш лозимки бу муаммоларни хал қилишда кредит портфелини бошқариш сифатини, усулларини такомиллаштириш, диверсификация қилишни кредит

Портфелини турли қисмларда ўтказиш лозим.

Муаммоли кредитлар аниқланганда кредит бўлими ходими авваломбор ахборотлар, маълумотлар йеғиши ва уларга асосан инқирознинг олдини олвчи стратегия ишлаб чиқмоғи лозим. Хар бир муаммоли кредит бўйича алохида унинг олдини олиш йўллари ишлаб чиқиши зарур. Агар корхона самаралли фаолият олиб борадиган бўлса, муаммоли кредит сохасида ҳам ўзи иждобий натижага келтириши мумкин. Аксинча корхона фаолияти пвстрок бўлса, у муаммоларни осонликча еча олмасли гимумкин. Шунинг учун кредит бўлими ходими шу муаммоли кредит юзага келганини аниқлаганидан сўнг қуйидаги муаммоларни тахлил қилиши:

- мижознинг молиявий ахволи тўғрисида рахбариятни хабардор қилиш ва банкнинг бўлимлари билан мижозлар ўртасида маслахатлишиши;

- мижознинг умумий ташкилий асоси, юқори ташкилоти тўғрисида маълумот йегиши;

- кредит хужжатларини кафолат, гаров, вексел шартнома ва бошқаларни кўриб чиқиш;

- муаммоли холатдан чиқиш режасини ишлаб чиқиши лозим.

Банк фаолияти доимо хатардан ёки хатарли жараёнлар билан боғлиқ бўлгани учун, улар фаолиятида доимо муаммоли кредитлар юзага келади.

Тижорат банки кредит портфели тахлили шуни кўрсатадики, банкнинг фаолиятида бундай кредитлар мавжуд. Бу кредитларни бошқариш усуллари ўз вақтида ундириб олиш анча вақт ва меҳнатни талаб қилади. Хозирги вақтда тижорат банкларида муаммоли кредитлар бўйича ишларни кредит бўлими ходимлари олиб боради. Бу жараённи ижобий томони шундаки, кредит бўлими ходими шу кредитни берганлиги учун мижозни, унинг молиявий ахволини яхши билиши мумкин. Иккинчи томондан бу банк ходими етарли назорат олиб бормаганлиги сабабли шундай муаммоли кредит юзага келган бўлиши мумкин. Қолаверса, бу

кредит бўлими ходими шукредит соҳасида мижозга ён бериши мумкин. Шу сабабли биз тижорат банкларида муаммоли кредитлар ишловчи махсус бўлимлар ташкил қилиш зарурлигини таклиф қилмоқчимиз.

Банкнинг ички аудит ходимлари ёки кредит бўлими ходими томонидан муаммоли кредит келганлиги ёки мавжудлиги тўғрисида

ахборот аниқлангандан сўнг бу кредитни бошқариш муаммоли кредит билан ишлаш бўлимига топширилиши лозим. Бу бўлим кредит бўлими билан ҳамкорликда маълумотларни яна бир таҳлил қилиб, муаммоли ҳолатдан чиқиш режасини ишлаб чиқиши лозим. Бу бўлимга муаммоли кредитлар бўйича, уни ундириш ва керакли маълумотларни олиш бўйича кенгроқ имкониятлар бериш уарга турли тўсиқлар қўймаслик ва турли босимлар ўтказмаслик лозим.

Муаммоли кредитлар юзага келиши сабаблари бўйича бир-биридан фарқ қилсада уларни олдини олишда қуйдаги ёндашишлар қўл келиши мумкин:

- ваззни реструктуизациялаш дастурини ишлаб чиқиш;
- қўшимча ҳужжатлар ва кафолтлар олиш;
- қўшимча фондларни тўхтатиш ёки инспекция қилиш;
- гаровни сотиш;
- кафолат бўйича тўловни талаб қилиш;
- бошқарувни алмаштириш;
- менежмент ишларини олиб бориш;
- ҳуқуқий масалаларни кўриб чиқиш ва бошқариш;

Кредит портфелидаги муаммоли кредитларни бошқариш уларни ечимларини топиш, банкнинг кредит сиёсатини оқилона ташкил қилиш бу муаммоли кредитларни яхшиланиши ва банк портфелида камайишига олиб келади.

Амалиётда маълумки, банкларнинг банкрот бўлишига асосан учта сабаб оми бўлиши мумкин. Булар кредитларнинг қайтариласлиги ёки бошқа активларнинг Муаммоли кредитлар қайтариласлиги, банкларнинг ноликвидлиги ва банкларнинг асосий фаолиятдан келадиган зарарлардир. Бу омилларнинг ҳар бири банк капиталининг ҳар бир банк капиталини

камайишига олиб келади. Банк капиталининг нолдан пастга тушиши банкнинг тўловга лаёқатсизлигидан, уни мажбуриятлари ошиб кетганлигидан, бошқача қилиб айтганда унинг банкротлигидан далолат беради ва банк лицензиясидан махрум бўлиши мумкин.

Банклар муаммоли кредитлар бўйича эҳтимолли йўқотишларга захиралар, захиралар фондларини етарлилиги энг камида бир ойда бир мартта кўриб чиқиш лозим.

Агар тижорат банккининг кредит портфелида муаммоли кредитлар салмоғи анча паст бўлса, бу кредит бўйича муаммоларни хал қилиш чораларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш банкдан камроқ харажат қилиб банкнинг даромадини ошишига олаб келади.

Муаммоли кредитлар бозорини ташкил қилиш ва уни бу бозорда муаммоли кредитлар ва улар бўйича тижорат банклари агентликдан олинган облигациялар бўйича савдони йўлга қўйиши мумкин. У кредит портфелини бошқаришни такомиллаштиришда мухим омиллардан биридир.

Хозирги вақтда баъзи хорижий банкларда кредит портфелини бошқариш стратегияси кредит портфелини бошқариш бўйича махсус қўмиталарни қарорларига мувофиқ амалга оширилмоқда. Бундай қўмиталар фонд ставкаларини ўзгаришлари хатарга қарши кураш стратегиясини танлайди, шунингдек қисқа муддатли ва узок муддатли режалаштириш билан шуғулланади. Ноликвид хатарлардан химояланиш чораларини ишлаб чиқади. Берилаётган кредитларни сифатини ва кредитлаш учун маблағларни талаб этиш харажатлари хамда солиқ мажбуриятлари устидан назоратни ташкил этади.

Кредит портфелини самарали бошқариш қуйидаги вазифаларни ўз ичига олади:

1. Кредит ресурсларини, уларни хатар даражасига қарзларни камайтиришни таъминлаш шакилларига даромадлик даражасига қараб бошқариш бунда кредитни харбир гуруҳининг банк кредит маблағлари умумий суммасидаги улишларни ҳамда уларнинг кредит сиёсатига мувофиқ равишда ўзгаришини аниқлаш ҳамда акс эттириш зарур.

2. Фоиз ставкалари ўзгариши хатаридаги химоя қилиш, бозор талаби билан банк жорий фоизи ставкасини қабул қилишга мажбур бўлади. Бу фоиз ставкасиқилиниши мумкин бўлган инвестиция лардан юқори бўлиши мумкин. Ривожланган млоия бозорида биз кўпинча бир кунлик кредитларга 200 фоизгача банклар аро ставкалар кузатганмиз. Фоиз хатари минимум даражага келиши учун берилган ҳамма қарзлар сузиб юрувчи ставкада бўлиши керак. Масалан бу ставкани банклараро ставка билан боғлаш ўйдалди. У банкнинг қайта молиялаш ставкаси маржадан иборат бўлиши мумкин. Агар қарз депозит билан муддатлар ва суммабўйича боғланган тақдирдагина банк қаттиқ ставка бўйича кредитлар ва қимматли қоғозлар бўйича фоиз хисобидан харажатлар қиқаришига нисбатан тезроқ пасайганда хатарни келтириш мумкин бўлган йўллари ишлаб чиқиш талаб этади.

3. Банклар юқори даражали ликвидликни сақлаб туриш. Тижорат Банкларининг ликвидлигини бошқаришга доир фаолияти банкнинг ўзини-ўзи бошқаришга қарфтилган мижозлар олдидаги мажбуриятларнинг ўзгаришларсиз бошқариш бунинг шarti хисобланади Ўзбекистон республикаси ҳудудида ликвидликни бошқариш Марказий банк томонидан қвбул қилинган (Тижорат банклари фаолиятини бошқариш) Йўриқномага мувофиқ амалга оширилади. Мазкур қоидалар асосида банклар ткгшили хизматлар ва банк хизматларининг ташкил этиб ликвидлик ички кўрсакичларни мустақил белгилайдилар.

Мазкур кўрсткичларни ишлаб чиқаришда шинингдек ишсизликни бошқаришда қуйидаги омиллар:

- Банк жихозлари фаолиятини ўзига хос жихатлари шу муносабат билан зага келадиган тасодифий ва фавқулотта омиллар;
- Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашга дахлдор бўлган мавсумий омиллар;
- Истемолдаги ва сармоя жараёнидаги силжишлар фан техника тараққиётининг ривожланиши юзага келтирадиган узок муддатли омиллар мажмий этиборга олинади.

Албатта, Банк ларининг ликвидлигини бошқариш ўз сармояси хажмини кўпайтириши билангина чекланиб қолмаслиги керак.

Банкнинг жорий ва истиқболдаги ликвидлигини белгилаш бўйича масалалар мажмуини хам хал этиш билан шуғулланадиган махсус бўлинмаларни ташкил зарур.

Жахон амалиётида "яхши" кредитлар гурухига киритладиган кредитлар учун 2 фоиз микдорида резервлар ишлатилиши қабул қилинган.

Бундан равшанки кредит портфеллари шакилланиб, такомиллашиб ва сифати яхшилангани сайин Республикамиз тижорат банкларида хам мазкур амалиётни кўллайдилар. Шу билан бирга тижорат банклари кредит портфелларининг сифатим муаммоси долзарб бўлиб қолаверади. Баъзи банкларнинг активларида муаммоли кредитларнинг анчагина суммаси бор,

муддати ўтган ссудаларнинг кредит қўйилмаларининг умумий суммасидадги салмоғи баъзи банклар бўйича анча кўпдир.

Юқоридаги фикрлар асосида шуни таъкидлаш жоизки кредит портфелининг такомиллаштиришда юқоридаги фикрлар ва омиллар асос бўлиши мумкин.

III.2. Жахон молиявий иқтисодий инқирози шароитида тижорат банклари кредит портфелини бошқариш самарадорлигининг ўрни ва роли.

Банк сектори иқтисодиётининг бошбошқа секторларга қараганда сезувчан ҳисобланади. Агар илгари мамлакатда молиявий йўқотишларга сабаб бўлмаган молиявий инқироз бўлмаган бўлса, бу мамлакат жаҳонда юз берадиган молиявий инқирозлар таъсирига етарли даражада қаршилиқ кўрсатишга эга бўлмайди. Шу сабабли ҳам жаҳонда юз бераётган инқирозларни ўрганиб, мамлакат иқтисодиёти ва банк тизимига таъсир даражасини таҳлил қилиш фойдадан холи бўлмайди.

Ушбу изланишларни қуйдагича ўрганиш мумкин:

- Молиявий инқирозларни пайдо бўлиш сабаблари;
- Мамлакат иқтисодиёти ва банк тизимининг хусусияти ва ушбу инқирозга нисбатан чидамлилиқ даражаси;
- Мамлакат иқтисодиёти ва банк тизимида ушбу инқирозга қарши ишлаб чиқариш мумкин бўлган чора-тадбирлар ва келажақда шунга ўхшаш инқирозларга нисбатан иммунитет шакллантириш.

Жаҳон тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, аксарият ҳолларда ипотека кредити бериш тизими самарали уй-жой бозорини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этганини кузатиш мумкин. Шу билан бирга, айрим мамлакатларда ипотека тизими билан боғлиқ муайян муаммолар келиб чиқгани ҳам сир эмас.

АҚШда 2006 йилда бошланган ипотека инқирози мамлакат иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатди. Бугунги кунларда халқаро молия бозорларида молиявий инқироз юз берганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бу молиявий инқирозлар 2007 йилнинг ёзида ўз белгиларини кўрсата бошлади ва биринчи бўлиб АҚШда ипотека инқирозига олиб келди.

2000-2003 йилларда мамлакатда катта миқдордаги бўш пул мавжудлиги АҚШда аҳолига бериладиган паст фоизли ипотека кредитларининг ошириб юборишига олиб келди.

Хатто айрим америкаликлар дастлабки қўйилмаларисиз ва даромадлари тўғрисида маълумотларсиз ҳам кредит олишга мувофиқ бўлдилар. Берилган кредитлар ичида 2002 йилда ностандарт кредитларни 6 % ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2006 йилга келиб 20 % ни ташкил этди.

2004-2006 йиллар мобайнида АҚШ иқтисодиётига “арзон пуллар” кириб келганлиги туфайли Федерал Захиралар Тизими “қиммат пуллар” сиёсатини, яъни қайта молиялаш ставкасини доимий равида ошириб борди. Шу давр орлиғида 0,25 %дан 17 марта қайта молиялаштириш ставкаси оширилди. Пул маблағларининг қимматлашуви натижасида аҳолининг тўлов қобилияти пасайиб кетди. Айниқса берилган кредитларнинг аксарияти сузиб юрвчи фоиз ставкасида берилганлиги ахволни янада ёмонлаштирди.

2006 йилга келиб аҳолида олдин олинган кредитларни қайтариш билан боғлиқ муаммолар юзага келиб улгурди. Бозорда эса кўчмас мулк тушиб кета бошлади. 2008 йилнинг январ ойига келиб америкаликларнинг 5 % кредитини қайтара олмадилар, 0,65 % қарздорлар банк фойдасига уй-жойларидан айрилдилар. Энг мураккаб ахволга ипотека компаниялари тушиб қолдилар. Иккиламчи бозордаги операторлар сони эса 18 ой мобайнида 25 % га қисқариб кетди.

Кўплаб молия муассалари қўшмча даромад олиш мақсадида ўз активларини қимматли қоғозларга, хусусан ипотека қимматли қоғозларини сотиб олишга қаратгандила. Маблағларни ипотека қимматли қоғозлари сотиб олишга қаратилганлигининг мохияти унинг замирида ипотека таъминоти ётганлиги эди. Натижада кредитларнинг қатарилмаслиги биринчи навбатда қимматли қоғозлар эгасини ташвишга солиб қўйди.

Америка фонд бозорида қимматли қоғозлари билан операцияларни инвестицион банклар оширадilar. Шунинг учун ҳам биринчилардан инвесторлар инқирозга юз тутдилар. Америка ҳукумати инқирозга учраётган банкларни қуллаб қуватлашга уринсада, унинг бераётган юрдами етарли эмаслиги кўриниб қолди. Шу сиз ҳам “Bear Stears”га 29 млрд доллар, “Fannie Mae” ва “Freddie Mac” ларга 200-300 млрд доллар миқдорида ёрдам ажратилди. Ёрдамнинг етарли эмаслиги активлари 15 трлн доллар бўлган “Merrill Lunch” ва “Lehman Brothers” ларнинг таннозумига сабаб бўлди.

Америка иқтисодиётидаги инқироз жадал суръатда жаҳон фонд бозорида ўз таъсирини утказди. Америка савдо майдонларида банк соҳаси котировкаларининг кескин пасайиши бутун дунё банк котировкаларининг пасайишига олиб келди.

Халқаро экспертларнинг фикрича америка банк соҳасидаги инқирози хали узоқ давом этиши мумкин. Бундай фикрга келишларига сабаб АҚШ иқтисодиётида ипотека инқирозидан ташқари суғурта ва банк фаолиятининг бошқа соҳалари ҳам инқирозга юз тутаётганлиги кузатилмоқда.

Экспертлар ушбу муаммонинг асосий сабабини ишончсиз қарздорлар томонидан қайтарилмаган уй жой кредитлари миқдори кўпайиб кетгани билан изохламоқда.

Маълумки АҚШда ипотека кредитлар катъий эмас, балки ўзгарувчан фоиз ставкалари – “Либос” асосида берилган.

Америкалик қарз олувчи ипотекани расмийлаштираётган пайтда “Либос”нинг паст миқдorigа рози бўлиб, кредит олган. Лекин кейинчалик 10-15 йилга берилган кредитни қайтариш даврида “Либос” кўрсаткичи кўтарилиб борган ва шундай нуқтага етганки, қарз олган шахснинг даромадлари кредит бўйича тўловни қопламаганлиги сабабли кредит

қайтарилмаган ва ипотека шарномаси асосида уй жойлар қарздорлардан тортиб олинган.

Америка ипотека инқирозининг тахлили яна шуни кўрсатадики, ипотека кредитлар уй жой нархининг 120-130 фоизи миқдорида берилган. Яъни 100 минг долларга нархланган уй жойга 120-130 минг доллар кредит ажратилган. Бу хол табиийки, қарз олувчига кредитни қайтаришда қўшимча оғирлик тушурилган.

Шундан сунг банклар кредитни қайтара олмаган қарздорлардан олиб қўйилган уй жойларни сотиб юборилган.

Бу эса ўз навбатида ижтимоий муаммони чиқарган – бозорда таклиф қилаётган уй жойлар сони кўпайиб кетиши уларнинг нархи кескин пасайиб кетишига олиб келган. Айтайлик, ўз вақтида 100 минг долларга нархланган уй учун 120-130 минг доллар кредит олган қарздор уйини сотиб ҳам қарзидан қутила олмаган ва оқибатда банклар кредит учун берган маблағларини тўлиқ қайтара олмаган.

Шу тариқа шу жараённинг миқёси кенгайиб йирик банклар ва молиявий тузулмаларининг ликвидлик, яъни тўлов қобилияти заифлашиб, молиявий инқирозга олиб келди.

Дунёнинг етакчи фонд бозорларида йирик компаниялар индекслари ва акцияларининг бозор қиймати халокатли даражада тушиб кетишга олиб келди.

Буларнинг барчаси ўз навбатида қўплаб мамлакатларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суратининг кескин пасайиб кетиши билан боғлиқ ва бошқа салбий оқибатларга олиб келди.

Экспертлар хулосасига кўра Молия-банк тизимидаги инқироз жараёнлари деярли бутун дунёни қамраб олаётгани, рецессия ва иқтисодий пасайишни муқаррарлиги, инвестициявий фаоллик қўламини ва шунингдек,

жахоннинг кўплаб мамлакатига таъсир кўрсатадиган жиддий ижтимоий талофатлар содир бўлиши мумкунлиги ўз тасдиғини топмоқда.

2008 йил ноябр ойида Вашингтонда жахон ялпи маҳсулотининг 8,5 % ни ишлаб чиқарадиган 20 та йирик давлат иштирокида бўлиб ўтган саммит глобал молиявий инқирознинг қўлами тобора кенгайиб бораётганини тасдиқлади.

Молиявий инқироз АҚШ ва бошқа мамлакатлар молия бозорларига ва иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан пухта ишлаб чиқарилган иқтисодий сиёсат ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси президенти томонидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасида уй жой қилиш ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш борасида қабул қилинган қарорга асосан мамлакатимиз банк тизими томонидан бериладиган ипотека кредитларнинг қатъий белгиланган фоиз ставкасида ва олдиндан 25 % бадал тўланиши амалга оширилиши бунинг яққол далилидир.

Президентимиз қайд қилиб ўтганларидек, Жахон молиявий инқирозининг хар бир мамлакатга таъсири, ундан кўриладиган зара даражаси ва қўлами биринчи навбатда шу давлатнинг молиявий иқтисодий ва банк тизимларини нечоғли барқарор ва ишончли эканига, уларнинг химоя механизмлари қанчалик кучлик эканига боғлиқ. Ўзбекистонда қабул қилинган ва амалда ўзини тўлиқ оқлаган ислохлар ва модернизациялашнинг ўзига хос моделидан келиб чиқадиган принциплар ва мақсадли вазифалар мавжуд. Кўрилаётган чора тадбирлар натижасида фақат 2008 йил давомида республика тижорат банклари жами капиталининг тўртдан уч қисмини ўзида бирлаштирган 8 та етакчи тижорат банкнинг умумий капитали хажми 42 % га ошди ва бу кўрсаткич 2010 йилгача икки баробар ошишини қайд этилди.

Тижорат банкларининг активлари фуқароларнинг банкдаги омонатларини химоялаш кафолатлари тўғрисидаги Қонунга мувофиқ шаклланган захираларни ҳисобга олган ҳолда 13 трлн 360 млрд сўмдан ошди.

2008 йилнинг 8-19 декабр кунлари Ўзбекистондаги ХВФнинг Серной Экен бошчилигидаги Миссияси ташриф буюрди.

Уларнинг хулосаларига кўра ЯИМ ўсиш даражаси 9 % ни ташкил этади. Инфляцияни ўсиш даражаси у юқори даражада бўлишига қарамасдан белгиланган чегарада сақлаб келинаётганлиги эътироф этилди.

Бозор иқтисодиёти шароитида мамлакатимиз банк тизими ўз олдига кўйган энг асосий вазифаларидан бири аҳолининг бўш пул маблағларини ишончли тарзда сақлаш, унинг даромадлари кўпайишига кўмалашиш ва шу орқали халқимизнинг турмуш даражаси янада юксалишига хизмат қилиш, аҳоли ва миждозларга молиявий хизмат кўрсатиш орқали уларни молиявий куллаб-куватлашдан иборатдир.

Бугунги кунда республикамида тобора ривожланиб бораётган банк тизими 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги ҳамда 1996 йил 25 апрелида қабул қилинган “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунлар асосида фаолият олиб бориб, аҳолига ва миждозларга намунали банк хизматини кўрсатиб келмоқда. Ўтган йили жаҳонда юзага келган молиявий инқироз ривожланган ва ривожланаётган давлатлар иқтисодиётига қаттиқ таъсир қилиб, иқтисодчилар, олимлар ва хатто давлат раҳбарларини саросимага солиб кўйди. Бугунги кунда жаҳондаги иқтисодиёт намоёндалари ва давлат раҳбарлари кўлами тобора кенгайиб ва чуқурлашиб бораётган инқироздан чиқиб кетиш йулларини излаб, уни бартараф этиш учун бош қотиришмоқда.

Жаҳон молиявий инқирози АҚШда ипотекани кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатида бошланди.

III.3. Тижорат банкларида актив ва пасив самарали бошқариш орқали кредит портфели самарадорлигини таъминлаш.

2010 йилда пул-кредит сиёсати “Монетар сиёсатининг 2010 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари” асосида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йилда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг мухим устивор йўналишларига бағишланган дастурий маърузаларида белгиланган вазифалардан келиб чиққан холда амалга оширилди.

Хусусан, иқтисодийтни пулга бўлган талабини тўлиқ қондириш орқали иқтисодий рағбатлантириш ва инфляция даражасини 8 фоиздан йўл қўймаслик мақсадида муомиладаги пул массасини белгиланган параметрлар доирасида бўлишига, шунингдек валюта ва молия бозорларининг барқарорлигини мустахкамлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди.

2010 йилда тижорат банклари мизожларининг депотларга ўзнатилган мажбурий резерв талаблари муомиладаги пул массасини ва банк тизими ликвидлигини тартибга солишнинг мухим воситалардан бири сифатида қўлланилди.

Пул массасини мақсадли параметлааридан келиб чиққан холда банклар томонида узоқ муддатли депозитлар жалб қилишни янада рағбатлантириш мақсадида мажбурий резервлар нормаси, юридик шахсларнинг муддати 1 йилгача бўлган депозитлари учун – 15%, муддати 1 йилдан 3 йилгача бўлган депозитлар учун – 12%, муддати 3 йилдан ортиқ бўлган депозитлар учун – 10,5 % фоиз миқдорида ўзгартирилмасдан қолдирилди.

2010 йилда тижорат банкларининг Марказий банкдаги мажбурий резервлари хажми 342 млрд сўмга кўпайди. Натижада, тижорат банклари

мажбурий резервлардаги резерв улуши 2010 йилбошига нисбатан 2,0 фоизли бандга ошиб, 2011 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра, 21,9 фоизга тенг бўлди.

Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва таррақиёт жамғармасининг ҳисоб варағида қўшимча равишда 2,3 трлн сўм эквивалентида маблағлар жамланиб, ташқи омилларини пул массасига таъсирини камайтирилди.

2010 йилда монетар омилларининг инфляцияга таъсирининг олдини олиш мақсадида ва пул массасини мақсадли параметрларидан келиб чиқиб, Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси 14 фоиз ушлаб турилди. Бу эса, ўз навбатида, пул бозорида фоиз ставкаларининг бақарорлигини таъминлашга хизмат қилди.

2010 йилда макроиктисодий ва молиявий барқарорлик депозитлар ва фоиз ставкаларининг пасайиши кузатилди. Хусусан, қисқа муддатли кредитлар бўйича фоиз ставкалари йил бошидаги 15,7 фоиздан декабрь ойига келиб 13,8 фоизгача тушди. Узоқ муддатли кредитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси 2010 йилда 13,0 фоизни ташкил этди.

2010 йилда жисмоний шахсларнинг тижорат банкларидаги депозитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари йил бошидаги 13,1 фоиздан декабрь ойида 9,9 фоизгача тушди. Юридик шахсларнинг жамғарма ва муддатли депозитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари 2010 йилда 6,8 фоиздан 6,1 фоизга пасайди.⁴

Банклар ўртасидаги рақобатнинг кучайиши ва кредитлар қўламини кенгайтиши банклар аро пул бозоридаги операциялар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари йиллик ҳисобида 9,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда ушбу кўрсаткич 8,9 фоизга тенг бўлди.

⁴ www.bank-info.uz

Банкларнинг кредит портфелида ҳам сезиларли сифат, ўзгаришлари рўй берди. Умумий кредит порфелида 3 йилдан ортиқ муддатга берилган инвестицион кредитларнинг улуши 2000 йилнинг охиридаги 35 фоиздан 40,2 фоизга етди.

2010 йилнинг ўзида банклар томонидан инвестиция мақсадлари учун ажратилган кредитлар хажми 3 250 млрд сумни ташкил этгани холда, 2009 йилга нисбатан 35 фоизга ошди.⁵

Иқтисодий ночор корхоналарнинг соғломлаштириш, қатйта тиклаш, техник ва технологик жтхатдан модернизациялаш, ички ва ташқи бозорларда рақобатдош махсулотларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва кейинчалик ушбу корхоналарнинг стратегик инвесторларга сотиш борасида ҳам банклар томонидан салмоқли ишлар оширилди.

2011 йилнинг 1 январь холатига кўра, тижорат банклари томонидан жами, 147 та иқтисодий ночор корхоналар банклар балансига қабул қилинган, улардан 140 таси ишлаб чиқаришни қайта тикланди, шундан 64 таси янги инвесторларга сотилди. Қолган 7 таси корхонада ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича технологик линияларни тиклаш, қурилиш-таъмирлаш, янги ускуналар ўрнатиш ва модернизациялаш билан боғлиқ ишлар амалга оширилмоқда.

Банклар томонидан ушбу корхоналарни модернизациялаш ва технологик қайта жихозлаш учун 156 млрд сўм миқдорида инвестиция йўналтирилди, 31 мингдан кўпроқ иш ўрни ташкил этилди.

Умуман олганда тижорат банклар балансига олинган холда фаолияти тикланган корхоналарда 2010 йил мобайнида 460 млрд сўмдан ортиқ махсулот (хизмат)лар ишлаб чиқарилди ва шундан 165 млн АҚШ доллари миқдоридаги махсулотлар экспорт қилинди.

⁵ Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметлари тўғрисида.

Шунингдек “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан қишлоқ жойлардаги 159 та аҳоли пунктларда тасдиқланган намунавий лойихалар асосида 6800 та яқка тартибдаги уй жойлар қурилишига 256 млрд сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди.

Экспортқилувчи корхоналарни қўллаб қувватлаш мақсадида уларга айланма маблағларни тўлдириш учун тижорат банлари томонидан 402 млрд сўмлик ёки 2009 йилга нисбатан 1,7 баробар кўп имтиёзли кредитлар ажратилди.

Марказий банкнинг кредит ахбороти институтида шакллантирилган қарздорлар тўғрисидаги кредит ахборотининг ягона реестри мунтазам юритилиб, такомиллаштирилиб борилмоқда. Институт ва банклар ўртасида йўлга қўйилган қарздорлар тўғрисидаги кредит ахбороти алмашуви тизими тижорат банкларининг кредит операцияллари бўйича таваккалчиликларини камайтиришга ёрдам бермоқда.

2011 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра, институт базасида 732 мингдан ортиқ қарздорнинг 1243 мингдан ортиқ кредит шартномаси тўғрисида маълумотлар жамланган бўлиб, банк тизими жами кредит портфлидаги кредитлар ва қарз олувчилар тўғрисида ахборот мужассамланган.

Амалга оширилган ишлар натижасида банк тизимининг барқарор ривожланиб бораётганлиги нуфузли халқаро рейтинг компаниялари томонидан ҳам тасдиқланмоқда. Жумладан, 2010 йилнинг август ойида “Мудис инвестор сервис” рейтинг агентлиги томонидан жаҳон иқтисодий инқирози шароитида ҳам Ўзбекистон банк тизими нафақат ўзининг барқарорлигини сақлаб қолганлиги, шу билан, бирга, банклар активларини сифатининг яхшиланиши, капиталлашув даражасининг оширилишига эришилганлиги эътироф этилди ва республикада банк тизими “бақарор” рейтинг баҳоси берилди.

Шунингдек, бугунги кунда республикамизнинг 15 та тижорат банки (ТИФ Миллий банки, асакабанк, Ўзсаноатқурилишбанк, Ипотека банк, Туронбанк, Алоқабанк, Ипак йўли банки, Микрокредит банк, Қишлоқ қурилиш банк, Хамкорбанк, Капитал банк, Кредит-Стандарт банк, Халқ банки) нуфузли халқаро рейтинг компанияларининг (Фитч рейтингс, Мудис инвесторс сервис ва Стандарт энд Пурс) “барқарор” рейтингига эгадир.

Республикада нобанк кредит ташкилотлари тизимини ривожлантириш борасида кўрилган чора тадбирлар натижасида уларнинг сони, аҳолининг кенг қатламларига микромолиявий хизматлар кўрсатиш имконияти кенгайиб бормоқда. 2011 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра нобанк кредит ташкилотларининг умумий сони 209 тани, шундан кредит уюмалар сони 116 тани, микрокредит ташкилотларнинг сони 35 тани ҳамда ломбардлар сони 58 тани ташкил этмоқда. Хусусан, 2010 йил мобайнида республикамиз минтақаларида 30 та янги нобанк ташкилотлари ташкил этилди. Шулардан 16 таси кредит уюшмаси, 4 таси микрокредит ташкилоти ва 10 таси ломбардлардир.⁶

2010 йил мобайнида кредит уюшмалари хизматидан фойдаланувчилар, яъни уларнинг аъзолари сони йил бошига нисбатан 59330 тага етди ёки 38,0 фоизга ортиб, 2011 йилнинг 1 январь ҳолатига 212 мингтадан ошди. 2010 йилда кредит уюшмалари жами активлари йил бошига нисбатан 55 фоизга ортиб, 329,7 млрд сўмни, жами капиталлари 67 фоизга ортиб, 81,9 млрд сўмни, жалб қилинган депозитлари 51 фоизга ортиб, 229,1 млрд сўмни ва ажратилган кредит ҳамда лизинглар қолдиғи 56 фоизга ортиб, 287,4 млрд сўмни ташкил этди. Кредит уюшмаларининг ўз аъзоларидан жалб қилаётган депозитлари миқдори ва уларга бераётган кредитлари хажмининг ўсиши ушбу кредит институтига бўлган ишончнинг ошиши билан бира, уларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги ролининг ошиб бораётганлигидан далолат беради.

⁶ Пул, кредит ва банклар журнали 2011 йил №1

Хулоса.

Шундай қилиб тижорат банкларининг кредит портфели турли хил кредит хатарларига асосланган муайян мезонларга қараб туркумланган кредитлар миқёсидаги банк талабларининг йиғиндиси бўлиб уни самарали бошқариш кредит хатларини ва умуман олгада банк хатарларини камайтиришни олдини олишни муҳим омили ҳисобланади. Банкларни кредит портфелини самарали ташкил қилиш ва унинг сифатини таҳлил қилиш банклар фаолиятини олиб боришда муҳим ўрин эгаллайди. Муболағасиз банкнинг йирик активи бўлиб кредитлар ҳисобланади. Одатда уларнинг ҳиссасига бутун активлар қийматининг ярмидан то тўртдан уч қисмигача тўғри келади. Маблағларни турли кредит операцияларига жойлаштиришга банк бошқаруви мижозни кредитга бўлган талабини қондириш билан бирга даромад олшни биринчи галдаги вазифа деб ҳисобланади. Маълум кредит битимининг ликвидлилиги иккинчи даражали аҳамиятга эга. Шунингдек банк бошқаруви маблағларининг “кредит портфели” ичида, яъни муддатли харидларни, савдо-саноат компанияларни кўчмас мулк ва бошқаларни кредитлаш каби турлар ўртасида тақсимланиш масаласини ҳам ҳал этиш лозим. Бундай тақсимланишнинг асоси бўлиб кредитларнинг нисбий даромадлилиги, шунингдек, турли кредитларга талаб ҳисобланади.

Шунингдек банк ҳисоб дафтарыда амалга оширилаётган кредитлар деган категория мавжуд. Бу кредитлар банкга фоизли даромад келтирмайдиган кредитларга киради. Тартиблаш ва назорат қилиш жорий қоидаларига асосан кредит бўйича тўлов ўрнатилган графикга нисбатан 90 кундан кўп ушлаб қолинса, бу кредит амал қилмаётганлар категориясига киритилади. Кредит амал қилаётган деб ҳисобланса ҳисоб дафтарларида қайд қилинган ва ҳисобланган лекин амалда олинмаган фоизлар кредит фаолияти давомида олинган даромадларидан чегирилади.

Фойдаланилаган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 21 мартдаги фармони “Банк тизимини янада эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари ва уларни ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”. Тошкент, Ўзбекистон 2000 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисидаги қонун – Ўзбекистон Банк тизимини ислох қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. Тошкент, Ўзбекистон 2000 йил.
3. И.А. Каримов : “Ўзбекистон буюк келажак сари”. Тошкент, Ўзбекистон 1998 йил.
4. И.А. Каримов Ўзбекистон XXI асирга интилмоқда. Тошкент, Ўзбекистон 1998 йил.
5. Вахабов А.В., Жумаев Н.Х., Хошимов А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози сабаблари хусусиятлари ва иқтисодиётга таъсирини камайтириш йўллари”. Тошкент “Академик”нашриёти 2009 йил.
6. И.А. Каримов Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чора-тадбирлари. Тошкент, Ўзбекистон 2009 йил.
7. Муллажонов Ф. Банковская система Узбекистана в годы независимости . Тошкент, Ўзбекистон 1996 г.
8. Абдуллаева Ш.З. Пул кредит ва банклар. Тошкент Молия 2009й.
9. Ботиров Ф. Базель I ва банк рисклари. Бозор пул кредит №9 2007й.
10. Муллажанов Ф. Барқарор банк тизими – иқтисодиёт таянчи. Бозор пул кредит №2 2010 й.

11. И.А.Каримовнинг 2009 йилнинг якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий иқтисодий ривожлантиришни энг мухим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Ҳалқ сўзи газетаси №21 2010 йил.

12. И.А.Каримовнинг 2010 йилнинг якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий иқтисодий ривожлантиришни энг мухим устивор йўналишлари маърузаси. Бозор пул кредит №1 2011й.

13. Лаврушин О.И.“Деньги, кредит и банки”. Учеб. М. “Кнорус” 2007.-320 с.

14. Рашидов О.Ю. ва бошқалар. Пул, кредит ва банклар. Ўқув қўлланма ТДИУ, “МАХ-PRINT” МЧЖ, 2008, 432 б.

15. Селиўев А.С. Денги. Кредит. Банки. - Спб.: Питер, 2007 й

16. Исмоилов М. Диверсификация – тижорат банклари кредит сиёсати асосий йыналиши. –Бозор, пул ва кредит, №11-12, 2002.

17. Белоглазова Г.Н. Деньги, кредит, банки: Учебник/ - Москва.: "Юрайт", 2006. - 621с

18. Ш.Д.Саидбоев, А.Акрамов “Банк хатарлари”-марузалар матни

19. Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. Дарслик. Т. «Iqtisod-Moliya», 2007.344 б.

20. Интернет сайтлар:

www.cbu.uz

www.banking.com

www.statistika.uz

www.finance.uz

www.referat.uz

www.bank.ru

www.referat.ru

www.5ballov.ru

Наманган шаҳар Халқ банки амалиёт бўлими кредит портфелидаги ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун юридик шахсларга берилган кредитлар тўғрисида маълумот.

№	Кафолатларнинг номи	Кредит сони	Кредит берилган сана	Қайтариш муддати	Жами бериладиган кредитлар миқдори	Қайси мақсадда берилган	Йиллик % ставкаси	Кредит таъминот инти номи	Кредит таъминот суммаси	Кредит таснифи
1	Савдо сервис х/к	1	2010	2013	100,0	Савдо биносини қўриш	18	Транспорт воситаси	325,7	Яхши
2	Лада 2704	7	2009	2012	77,7	Автомобил сотиб олиш	16	Транспорт воситаси	100,5	Яхши
3	Нексия а/в	4	2009	2012	101,5	Тикувчилик, мебел и/ч	6	Транспорт воситаси	135,5	Яхши
4	Лада 2704	1	2010	2012	20,0	Қандолатчилик ва макарон и/ч	14	Транспорт воситаси	30,0	Яхши
5	Цех ва нексия а/в	4	2008	2011	42,3	и/ч биносини сотиб олиш	14	Транспорт воситаси	372,0	Яхши
6	Маъмурий бино	1	2009	2012	10,0	Юмшоқ мебел ва ёғоч махсулоти	16	Кўчмас мулк	30,0	Яхши
7	Фермер хўжалиги	1	2008	2011	10,0	Цитрус мева етиштириш	14	Учинчи шахс каффилиги	30,0	Яхши
8	Автомобиллар	3	2010	2013	51,0	Қурилиш материалларини и/ч	18	Транспорт воситаси	26,9	Яхши
9	Нексия а/в ва станок	3	2010	2012	97,8	Ўсимлик мойи и/ч	18	Транспорт воситаси	216,0	Яхши
10	Савдосервис х/к	1	2010	2013	200,0	Чархпалак олиб келиш учун	14	Кўчмас мулк	964,2	Яхши
	Жами	26			720,3				2473,8	Яхши

Наманган шаҳар Халқ банки амалиёт бўлими кредит портфелида молиявий лизинг учун берилган кредитлар бўйича маълумот.

№	Кафолатларнинг номи	Кредит сони	Кредит берилган сана	Қайтариш муддаги	Жами бериладиган кредитлар миқдори	Қайси мақсадда берилган	Йиллик % ставкаси	Кредит таъминот инни номи	Кредит таъминот суммаси	Кредит таснифи
1	Лада 2704	5	2008	2011	51,7	Молиявий лизинг	16	Транспорт воситаси	128,3	Яхши
2	Пресс подборўик	1	2010	2015	27,4	Пресс подборўик	16	Транспорт воситаси	27,4	Яхши
	Жами	6			89,1				155,7	

**Наманган шаҳар Халқ банки амалиёт бўлими кредит портфелидаги
кредит портфелини 2011 йил 1 апрел ҳолатига таҳили тўғрисида маълумот.**

№	Кафолатларнинг номи	Кредит сони	Мижознинг тўлиқ номи	Қайтариш муллоти	Жами бериладиган кредитлар миқдори	Қайси мақсадда берилган	Йиллик % ставкаси	Кредит таъминотини номи	Кредит таъминот	Кредит таснифи
1	Истеъмолот кредит	10	Жисмоний шахс	1	18,5	17,4	16	Суғурта полиси	19,7	Яхши
2	Айланма маблағларни тўдириш	2	Хусусий тадбиркор	1	20,0	9,6	16	Транспорт воситаси	32,0	Яхши
3	Савдо учун	15		2	403,0	60,34	16	Транспорт воситаси	1217,0	Яхши
4	Узоқ муддатли	156	Жисмоний шахс	15	1090,8	1335,6	14	Кўчмас мулк	1949,3	Яхши
5	Хусусий тадбиркор	9	Хусусий тадбиркор	3	97,0	91,4	16	Транспорт воситаси	136,4	Яхши
6	Ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун	30	Фирма	3	720,3	1428,2	16	Транспорт воситаси	2473,8	Яхши
7	Лизинг	8	Фирма	3,5	79,1	112,1	16	Транспорт воситаси	155,7	Яхши
8	Савдо учун	1	ОАЖ	1,5	100,0	553,5	14	Кўчмас мулк	1303,7	Яхши
	Жами	237			2528,9	4151,7			7288,8	Яхши